



# VATANPARVAR



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни сканер қилинг.



2021 йил 4 июнь, № 22 (2929)

Баҳром АБДУРАҲИМОВ суратга олган

## O'ZBEKISTON



### HAFTA ICHIDA

● Президент Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли турмуш шароити билан яқиндан танишиш, истиқболдаги режаларни белгилаш мақсадида 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Сурхондарё фаоллари йиғилишида вилоятга 1 триллион 900 миллиард сўм берилишини маълум қилди.

– Сурхондарёга жуда катта маблағ билан келдик, бу оз пул эмас. Қани депутатлар, қани жамоатчилик, бу пулни нимага беряпмиз? Узоқ ҳудудларга йигирма йил пул берилмаган. Назорати қандай бўлади? Сурхондарёда шуни 30 фоизини ўғирламасдан, хиёнат қилмасдан тўғри сарфласак, маҳаллага йўл қилсак, мактаб, мактабгача таълим муассасаси қурсак, тиббиётни яхшиласак, халқ рози бўладими? Депутатлар шуни ўйлаптимиз? Тўғри, Президент сиёсат юргизади, лекин уни ким амалга оширади? Халқ вакиллари эмасми? Менинг барча ҳаракатларим – биримизни икки қилиб, Шерободда, Бойсунда, Шўрчида одамларга шароит яратиш – деди Президент.

● Пойтахтимизда «Тараққиёт стратегияси» маркази томонидан «Ўзбекистоннинг янги, прагматик ва фаол ташқи сиёсати» мавзuida халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

«Тараққиёт стратегияси» маркази, Президент ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Ташқи ишлар вазирлигининг Халқаро муносабатлар бўйича ахборот-таҳлилий маркази ва Марказий Осиё халқаро институти эксперт-сиёсатчилари ҳамда халқаро тадқиқотчилар иштирок этган тадбирда Ҳаракатлар стратегияси доирасида мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, мамлакатнинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш каби масалаларнинг сўнгги йиллардаги моҳияти муҳокама қилинди.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.



4-бетда

### КИЧИК ГУРУҲЛАР БИЛАН ИШЛАШ: янгича усул ва услублар

Полигонга етиб келган бўлинма дастлаб ўқотар қуроллардан яқин масофадаги нишонларни йўқ қилиш бўйича амалиётларни бажарди. Бунда, аввало, бехато ҳаракат олиб бориш ва вазифани тўлиқ адо этишга кўпроқ эътибор қаратилди.

5 «АСОСИЙСИ – ИШОНЧНИ ОҚЛАШ»

7 «БУВИМ ВА ДАДАМНИНГ ҲАЙКАЛЛАРИ ЁНИДА МУЗЛАДИМ»

12 ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ

17 ИСТЕЪДОДЛАР ЮЗАГА ЧИҚДИ



# ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

сермазмун,  
қизиқарли ва  
таассуротларга  
бой ўтди

«Ёшлар ойлиги» доирасида Навоий вилоятининг Кармана туманида мудофаа вазирининг тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари полковник Ҳамдам Қаршиев ва туман ёшлари ўртасида «Раҳбар ва ёшлар» учрашуви ўтказилди.

Табиат қўйнида очик мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатида тумандаги умумтаълим мактабларининг битирувчилари, ҳарбийлаштирилган махсус гуруҳ ўқувчилари ҳамда уюшмаган ёшлар иштирок этди.

Унда дастлаб ёшлар учун Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси, муддатли ҳарбий хизматга бориш ва хизматга қолиш тартиби, олий ҳарбий таълим муассасаларидаги имтиёзлар, шунингдек, юрт ҳимоячилари эришаётган ютуқлар юзасидан маълумотлар бериб ўтилди.

Шундан сўнг, вазир ўринбосари ёшларнинг ҳарбий соҳа бўйича қизиқтирган саволларини тинглади ҳамда уларнинг бўш вақтлари билан қизиқиб, давлатимиз раҳбари бошчилигида ёшлар учун катта имкониятлар яратилаётгани ва ҳар бир ёшни четда қолдирмай, уларни жисмонан бақувват ва ҳар томонлама етук инсон бўлиб камол топишлари учун яратилаётган шароитлар тўғрисида тўхталиб, ўз маслаҳатларини берди.



Учрашувда спорт мусобақаларида Ўзбекистон чемпиони бўлган ўғил-қизларни ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва вақтинча ишсиз бўлган ёшларни миллий армиямиз сафларига қабул қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир якунида ёшларга ва тумандаги умумтаълим мактабларига Мудофаа вазирлиги ва туман ҳокимлигининг мусиқа ва спорт анжомлари, бадиий адабиётлар тўплами ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Учрашувдан сўнг, туман аҳолиси ва ёшлари учун ҳарбий - ватанпарварлик фестивали ўтказилиб, унда ҳарбий техника ва замонавий қурол-аслаҳалар кўргазмаси, ҳарбий оркестр жамоаларининг кон-

церт дастурлари ва қўл жанги машқлари намойиш этилди.

Шу куни вазир ўринбосари Навоий вилояти марказидан 260 км узоқликда жойлашган, қўшни Қозоғистон Республикаси чегараси билан туташган Томди туманида ҳам бўлиб, туман ёшлари билан «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида учрашув ўтказди.

Томди тумани бўйлаб ҳарбий оркестр садолари остида ҳарбий техникаларнинг ҳаракатланиши барча ёшларни истироҳат боғига йиғди. Музокараларга бой тарзда ўтган мазкур учрашувда ҳам ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Тадбирда Фахрий қоровул взводининг кўргазмали саф чиқиши ҳамда ҳарбийларнинг қўл жанги машқлари намойиш қилинди. Таниқли актёр ва санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганлар учун кўтаринки кайфият улашди.

Шундан сўнг, ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари, рассомчилик ва китобхонлик танловларига старт берилди.

**Лейтенант Отабек НОРБОЕВ,**  
**Марказий ҳарбий округ**  
**матбуот хизмати**



## БУНЁДКОРЛИК

Тошкент ҳарбий округига қарашли десантчилар ҳарбий қисми ташкил топган кун муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Тантанада қайта реконструкция қилиниб, замонавий кўринишга эга бўлган янги ўқув биноси ва ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий округ кўшинлари кўмондони полковник Зокир Сайфуддинов, Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари Сайёра Файзиева ҳамда Қуролли Кучлар фахрийлари иштирок этди. Унда сўзга чиққанлар шу кунгача ҳарбий соҳада амалга оширилган ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик, ҳарбий хизматчиларнинг халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқ ва муваффақиятлари ҳақида гапиришди. Хусусан, мазкур қисмининг кўплаб ҳарбийлари Халқаро армия ўйинларида муносиб иштирок этиб, Ватан байроғини кўкларга кўтараётгани эътироф этилди.

Шодиёнада ҳарбийлар шарафига шундай илиқ фикрлар айтилди. Бу мақтов ва эътирофга ҳамоҳанг равишда тантанада бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига олий таълим муассасасига ўқишга кириш учун имтиёз берувчи тавсияномаларнинг топширилиши икки қарра қувончли бўлди.

Ҳарбий хизматчиларнинг кўргазмали чиқишлари, таниқли санъаткор ижросидаги концерт дастури барчага байрам кайфиятини улашди.

Тадбир ниҳоясида меҳмонлар янги ўқув биноси ва ётоқхонада ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

## ШИНАМ, КЕНГ ВА ЁРУҒ

Ўқув биносига кириб боришининг ўзидаёқ дилингиз ёришади. Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, зарур кўргазмали қуроллар ва мультимедиа воситалари билан жиҳозланган кенг, ёруғ машғулот ва ўқув синфлари, кутубхона, замонавий компьютерлаштирилган тренажёр... Албатта, яратилган бундай шарт-шароит ва қулайликлар машғулотлар жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имконини беради, машғулотларнинг янада самарали бўлишини таъминлайди, ҳарбий хизматчиларнинг соҳа бўйича янада чуқурроқ билим олиши, кўникмага эга бўлишига замин яратади.

– Шинам жойнинг файзи бўлакча-да. Кўриб кўзим қувнади, ҳарбийларга ҳавасим келди, – дейди Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари Сайёра Файзиева. – Аслида Ватан посбонлари шундай эътиборга муносиб. Чунки мен ҳарбийларнинг хизматлари қанчалик машаққатли эканлигини билман. Уларнинг туну кун чекаётган заҳматлари туфайли юртимиз тинч, кўнглимиз хотиржам, хонадонимиз фаровон. Бир сўз билан айтганда миллионлаб инсонлар тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган ҳарбийлар энг олий саодатга эришган инсонлардир.

# ЯРАТУВЧАНЛИК ИСЛОХОТЛАРДАН СЎЗЛАЙДИ



Баҳром АБДУРАҲИМОВ

## КОМИЛЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИ

Электрон кутубхона жойлашган хона ҳам аввалгисига қараганда кенгайтирилган ва замонавий жиҳозланган. Шу билан бирга бу ерга яна кўшимча компьютерлар ҳам ўрнатилган. Бу ҳам ҳарбий хизматчилар учун яратилган яна бир афзалликдир. Негаки аввалги ҳолатида электрон кутубхонада олти компьютер бўлган. Шу боис бир вақтнинг ўзида фақат 6 нафар ҳарбий хизматчи кутубхонадан фойдаланган. Янги кутубхонада эса имкониятлар кенгайтирилди. Эндиликда бу ерда бир вақтнинг ўзида ўн тўрттагача ҳарбий хизматчи ахборот-маълумотлар базасидан фойдаланиши мумкин.

## ЗАМОНАВИЙ ТРЕНАЖЁРДА

Танишув жараёнида меҳмонларнинг эътиборини тортган яна бир машғулот хонаси – панорамали комплексли отиш тайёргарлиги синфи бўлди. Содда тилда айтадиган бўлсак, замонавий тренажёр хонаси. Бу тренажёрнинг афзаллиги – шахсий таркибининг жанговар ўқ-дори сарфисиз, дала ҳудудига чиқмасдан, ҳар хил шароитда отиш тайёргарлиги бўйича малака ва кўникмасини оширади.

– Аввал тренажёримизда икки, уч нафаргача ҳарбий хизматчи машғулот ўтаган бўлса, эндиликда саккиз, ўн нафаргача ҳарбий хизматчи, олтигача автоматда, иккитаси найза артиллерияси программаси асосида 3Д форматда машғулот ўташи мумкин, – дейди кичик сержант Иброҳим Расулов. – Машғулотлар реалликка яқинлаштирилади. Яъни ҳарбийлар бевосита уруш майдонига кириб боради. Жараён давомида улар психологик тўсиқлар, миналаштирилган ҳудудлардан ўтади, ҳарбий техникаларни бошқаради. Нафақат кундузи, балки тунда ҳам ўқ отиш машғулотини бажаради. Бу эса ўз навбатида ҳарбийларнинг профессионал тажриба ва малакага эга бўлишига хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, соҳада амалга оширилаётган бу каби ислохотлар ҳарбийларнинг касбга бўлган иштиёқини, меҳрини оширади. Бу эса ҳарбий касб нуфузини оширади, шу билан бирга юртга муҳаббати юксак ватанпарвар инсонлар сафининг кенгайишига сабаб бўлади.

Майор Гўлнора ҲОЖИМУРОВА





# КИЧИК ГУРУХЛАР БИЛАН ИШЛАШ

янгича усул ва услублар

Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги барча ҳарбий қисмларда амалий машғулотлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Тошкент ҳарбий округи «Ангрен» умумқўшин тоғ полигошида ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлиги, касбий билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида инновацион ёндашувлар асосида жанг олиб боришнинг ўзига хос услублари, руҳий зўриқишларни енгиб ўтишнинг самарали усуллари кўриб чиқилмоқда.

Полигонга етиб келган бўлинма дастлаб ўқотар куроллардан яқин масофадаги нишонларни йўқ қилиш бўйича амалиётларни бажарди. Бунда, аввало, бехато ҳаракат олиб бориш ва вазифани тўлиқ адо этишга кўпроқ эътибор қаратилди.

Бошқа ўқув нуқтаида эса Ватан посбонларининг тоғ ва тоғолди ҳудудларда ҳаракатланиш, сунъий ва табиий тўсиқларни енгиб ўтиш, тик қояларга вертикал ва горизонтал усулда чиқиб-тушиш борасидаги кўникмалари мустаҳкамланди.

Бир пайтнинг ўзида яна бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар билан руҳий

сифатларни мустаҳкамлашда қўл келадиган машғулотлар олиб борилди. Дарҳақиқат, юрт ўғлонлари ҳар қандай жанговар топшириқни адо этишида турли тўсиқларга дуч келиши билан бирга руҳий ва жисмоний зўриқишларни бошдан ўтказиши мумкин. Шу каби омиллар инobatга олиниб, ҳарбий хизматчилар томонидан ҳаракатланиш мураккаб бўлган ҳудудда узунлиги бир километрли руҳий юклама берадиган махсус йўлак барпо этилган.

Дастлаб ҳарбий хизматчилар АК-74 автомати ҳамда ПМ пистолетидан ўқ отишнинг ўзига хос

усулларини амалиётда бажаришди. Бунинг ўзига хослиги шундаки, гуруҳ бир-бирини пана қилган ҳолда навбатма-навбат ўз нишонига қарата ўқ узади. Биринчи отувчи белгиланган нишонга қарата ўқ узади ва дарҳол ўз позициясини алмаштиради. Иккинчи отувчи ҳам ўз нишонини яқсон қилгач, у ҳам турли манёврлар билан бошқа позицияга жойлашади. Шу тариқа гуруҳ бир-бирини қўллаб-қувватлаб олдинга ҳаракатланади. Борди-ю, гуруҳ таркибидаги ҳарбий хизматчиларнинг бирортаси хатога йўл қўйса, қолган босқичлардаги натижаларидан қатъи назар гуруҳ-

нинг барча ҳаракати қониқарсиз, деб топилади. Шу сабаб йигитлар барча нишонларни тўғри ва аниқ йўқ қилиши шарт.

Навбатдаги топшириқлар мураккаблиги билан бошқаларидан фарқ қилади. Югурган ҳолда белгиланган тепаликни забт этган шахсий таркиб арқон ёрдамида бир томондан иккинчи томонга ўтиш амалини бажарди.

Бугун дунё армиялари тажрибаси шуни кўрсатяптики, жанговар ҳаракатларни ихчам, самарадор кичик гуруҳларда олиб бориш ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда. Мудофаа вазирлиги қўшинларида ҳам ҳозирги кунда ана шундай кичик гуруҳлар билан ишлашнинг янгича усул ва услублари шу тариқа амалиётга жорий этилаётир. Шубҳасиз, жанг олиб боришдаги бундай ёндашувлар ўз самарасини бермай қолмайди.

Лейтенант Шоҳрух САИДОВ



ДАВЛАТ ИМТИХОНЛАРИДА

# «АСОСИЙСИ – ИШОНЧНИ ОҚЛАШ»

Барча олий ҳарбий таълим муассасасида бўлгани каби Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг битирувчи курсантлари якуний давлат имтиҳонларини топширмоқда. Билимлар сарҳисоби бўлган бу жараён ўғлонлар учун бирмунча ҳаяжонли ўтаётгани, шубҳасиз.

– Инглиз тили фанидан имтиҳон топшириб чиқдим. Инглиз тилини яхши билганим учун саволларга жавоб бериш қийинчилик туғдирмади, – дейди курсант Нуриддинали Шералиев. – Чет тилни ўрганишга қизиқаман. Шу боис анча йилдан бери дарс машғулотларидан ташқари ўзим ҳам мустақил ўрганиб келяпман. Тушунмаганларимни устозларимдан сўрайман. Инглиз тилида бемалол оғзаки суҳбатлаша оламан. Бунинг учун устозларимдан миннатдорман.



– Икки кун давомида тактик махсус тайёргарлик фанидан назарий ва амалий имтиҳон топширдик, – дейди курсант Шаҳбоз Нарзиқулов. – Шу кунгача курсдошларим билан имтиҳонга астойдил тайёргарлик кўрдик. Ҳаммамиз ижобий натижага эришишни мақсад қилганмиз. Йўқ, мақсадимиз фақат баҳо эмас. Чунки баҳонинг инсон тақдиридаги аҳамияти унчалик қимматлимас. Бизга устозларимиз шундай ўргатишган: асосийси, фанни қандай ўзлаштирганимизда. Зеро, бунинг замирида устозларимиз меҳнати ҳам бор. Шу инсонларнинг меҳнатини қадрлаш, ишончини оқлаш, мамнуниятини ҳис қилиш улкан муваффақият, аслида.

Г. ҲОЖИМУРОВА

## АЪЛОЧИ, ТАДҚИҚОТЧИ – БИТИРУВЧИЛАР!

Май ва июнь ойлари олий ҳарбий таълим муассасаларини тугатаётган курсантлар учун энг масъулиятли даврлардан бири. Чунки шу вақт мобайнида бўлғуси офицерлар давлат имтиҳонларини топширадилар.

Олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлиб ўтадиган давлат имтиҳонларига масъул қилиб тайинланган комиссия хайъати аъзолари ва ўқитувчилар курсантларнинг билим ва кўникмаларини баҳолаб борадилар.

Икки йил олдин ташкил этилган Мудофаа вазирлиги Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ҳам курсантлар давлат имтиҳонларини топшириш жараёнини бошлаб юборишди. Таълим маскани битирувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Умумҳарбий низомлари ва бошқарув ҳужжатлари, гуманитар ва

ижтимоий-иқтисодий, жисмоний тайёргарлик каби фанлардан олган билим, кўникмалари шаффофлик билан баҳоланиб борилмоқда.

– Ҳозиргина ҳарбий-техник ва ҳарбий махсус фанлар бўйича телекоммуникация тизимлари йўналишида давлат имтиҳонини аълога топшириб чиқдим, – дейди курсант Наби Бобоев. – Қолган имтиҳонларни ҳам беш баҳога топширишга ҳаракат қиляпман. Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институтида ўқишим жараёнида устозларим билан илмий-тадқиқотлар олиб бориш имкониятига эга бўлдим. Бу ерда олган билимларимиз Қуролли Кучларимиз кўшинлари сафидаги хизмат бурчимизни ўташда муҳим аҳамият касб этади.



Шуниси эътиборлики, курсант Наби Бобоевдан ташқари курсантлар – Шарофиддин Анваров ҳамда Миржалол Абдуллаев ҳам аълочилар қаторида институтни қизил диплом билан тугатишга даъвогар. 2021 йил битирувчилари сафида устозлари билан илмий-тадқиқот олиб борган курсантлар ҳам талайгина. Курсантлар – Марат Умунов, Абдувоҳид Тўйчиев ва Наби Бобоев шулар жумласидандир. Мана шундай иқтидорли курсантларнинг билими давлат имтиҳонига масъул бўлган подполковниклар – Шукур Бегбулов, Давронбек Абдурахимов, Шерали Халилов, майор Баҳриддин Қурбонов томонидан эътироф этилганини таъкидлаш ўринли.

Асрор РЎЗИБОВ



# «САҲРО ЮЛДУЗЛАРИ»

Ҳарбий-ватанпарварлик болалар оромгоҳи фаолият бошлади

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги ташаббуси билан Нукус гарнизонида «Саҳро юлдузлари» номли ҳарбий-ватанпарварлик кундузги оромгоҳи ўз фаолиятини бошлади.



«Ёшлар ойлиги» доирасида Нукус гарнизони Маънавият ва маърифат маркази қошида фаолиятини бошлаган оромгоҳнинг биринчи босқичида ҳарбий шаҳарча ҳудудидаги 44-умумтаълим мактабининг 200 нафарга яқин ўқувчиси иштирок этиш истагини билдирди.

Болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини сермазмун ўтказиш, ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, улар онгига миллий ғоя, ватанпарварлик туйғулари ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида ташкил қилинган оромгоҳ болаларга мароқли дам ва унутилмас хотираларни ҳада этиши шубҳасиз.

Кундузги оромгоҳнинг очилиш маросимида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Фарҳоджон Шерматов болалар ва ёшлар учун яратилаётган бу каби шароитлар Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ҳамда мамлакатимизда ёшларга бўлган эътиборнинг намунаси эканини эътироф этди.

Шундан кейин оромгоҳ ёшлари учун илк машғулот, яъни маънавий-маърифий тайёргарлик дарси ўтказилди. Дарс жараёни давомида ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ни ўқиб изланишга, бугун ёшларимиз учун берилаётган кўплаб имкониятлардан унумли фойдаланишга чорловчи мотивацион видеоролик намойиш этилди. Буюк давлатчи-

ликка асос солган соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг ҳарбий юришлари, бизга қолдирган бой маънавий ва маданий мероси, адолатга таянган ҳолда ҳукмронлик қилиш сирлари ҳақида Ўзбекистон тарихи фанидан ўтказилган дарс жараёнида ўқувчилар ҳам фаол иштирок этди.

Ҳарбий қисм кутубхонасида ўтказилган китобхонлик кечаси болаларни илм олишга, сеҳрли адабиёт оламига саёҳат қилишга ундаб, китобларга меҳр қўйишни ўргатди. Оромгоҳда ёшлар

пневматик милтиқдан ўқ отиш, саф, тактика, муҳандислик, чавандозлик, тоғ ва тиббий тайёргарликлар, топография каби ҳарбий фанлардан малакали офицер ва сержантлар кўмагида бошланғич ҳарбий тайёргарлик ҳақида билимларини бойитиш имконига эга бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бундай оромгоҳ ҳарбий шаҳарча ҳудудидаги мактаб ўқувчилари учун янгилик бўлиб, ёшларга бу йил ёзги таътининг ўзгача ўтишини таъминлашга хизмат қилади.



Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати

## САЁҲАТ

# «ҒАЛАБА БОҒИ»ГА ЖИЗЗАХЛИК ЁШЛАР ТАШРИФ БУЮРДИ

1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг Жиззах вилояти минтақавий бўлинмаси томонидан Жиззах гарнизонида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар фарзандларининг «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасига ташрифи амалга оширилди.

Ҳарбий оркестр садолари остида тантанали қўтиб олинган жажжи меҳмонлар дастлаб «Матонат мадҳияси» монументи пойига гул қўйишди. Шундан кейин гид-экскурсовод ёрдамида «Шон-шараф» музейидаги Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган улкан ҳиссасини намоён этувчи экспонатлар билан танишди.

Куннинг иккинчи ярмида ўқувчи-ёшлар иштирокида «Мен янги Ўзбекистоннинг бахтли фарзандиман» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир шеър ва кўшиқларга уланиб, болаларга завқ ва шавқ улашди. Тадбирда Мудофаа вазирлиги масъул офицери полковник Меҳриддин Қўчқоров, Жамоатчилик кенгаши аъзоси, режиссёр Хилол Насимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган



артист Барно Қодирова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Ойгул Убайдуллаева, Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими Махфират Зиқирова, Зулфия номидаги давлат мукофоти лауреати Дилфуза Маҳкамова сўзга чиқиб, Жиззах вилоятдан ташриф буюрган болажонларни байрам билан табриклашди. Шундан сўнг Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг ёшлик ҳақидаги шўх кўшиқлари болажонларни рақсга чорлади.

Тадбирда ташкилотчилар томонидан болажонларга китоблардан иборат эсдалик совғалар топширилди.

Зухра ТЎРАҚУЛОВА

# «БУВИМ ВА ДАДАМНИНГ ҲАЙКАЛЛАРИ ЁНИДА МУЗЛАДИМ»

Бугун Зулфия ая Зокировани танимаган, у ҳақда эшитмаган инсон орамизда бўлмаса керак. Боиси, Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги мунгли кўшиқдек халқимиз қалбига кириб борган, миллионлаб инсонлар меҳрини қозонган «Илҳақ» фильми томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Зулфия Зокирова эса ўша фильмнинг бош қаҳрамонидир. Пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи»да ҳам ўзбекнинг ана шу матонатли аёлига атаб «Матонат мадҳияси» номли ансамбль ўрин олган.



Тошкент вилоятининг Хонобод қишлоғидаги Зулфия Зокирова яшаган хонадонда ҳозирда аянинг суюкли ўғли Маҳмадҷон Холматовнинг набираси Фарҳод Муҳаммадиев истиқомат қилмоқда. Қуйида Зулфия ая сулоласининг давомчиларидан бўлиши ана шу инсон билан қилган суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

**– Фарҳод ака, «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида Зулфия ая Зокированинг тимсолида бутун ўзбек аёлларига атаб садоқат ва вафо тимсоли сифатида ўрнатилган монументни эшитганингизда кўнглингиздан нималар кечди?**

– Президентимиз 2019 йилги Хотира ва Қадрлаш кунларидаги нутқида «Ёвуз уруш тўғрисида аянинг тўрт келини бева, беш набираси етим бўлиб қолди. Унинг ўзи эса бир умр мотамда яшади. Лекин ҳеч қачон умидсизликка тушмади, ўғилларининг сўнмас хотираси, ёруғ кунлар ёди билан, келинлари, набираларининг ҳаёти, орзу-умидлари билан яшади. Мана, ўзбек аёлларининг, ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати ва матонати! Мана, севги ва садоқат мадҳияси, унинг енгилмас куч-қудрати! Мана, ёшларимиз, фарзандларимиз кимдан намуна ва ўрнак олишлари керак!» дея буюм Зулфия Зокирова ҳақида гапирганларидаги ҳолатимни сўз билан тушунтириб беролмайман. Лекин бир нарсани аниқ биламанки, буюмнинг садоқати ва бошидан кечирган қийинчиликлари ҳақида шу кунгача ҳеч қачон ҳеч ким эслаган эмас. Президентимиз келажакда «Ғалаба боғи»нинг ташкил этилиши, унда Зулфия Зокированинг Иккинчи жаҳон урушида вафот этган болалари, етим қолган наваралари ва бева келинлари шарафига «Матонат мадҳияси» номли монумент ўрнатилиши ҳақидаги фикрларини эшитиб, йиғлаб юбордим. Тасаввур қилинг-а, урушда қатнашган жамики ўзбекистонликлар орасидан айнан бизнинг оиламизга бўлган алоҳида эътибор, оиламизнинг садоқатли аёлларига атаб ўрнатилмажак ҳайкалнинг айнан давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан бўлгани, буларни ҳозир сизга икки оғиз сўз билан тушунтириб беришим мушкул.

Мен яна бир нарсадан хурсандманки, буюмнинг тўрт келинларидан беш фарзанд қолган бўлса, улардан қанчадан-қанча фарзандлар дунёга келди. Оиламиз анча катта. Аммо шундай катта оила бўлишимизга қарамай, буюмнинг уйларида уларнинг чироқларини ёқиб ўтириш менга насиб этди. Ҳар сафар дарвозадан кириб-чиққанимда буюмнинг ва уларнинг ўтиб кетган ўғилларини эслаб, ҳақларига

дуо қиламан. Шу дарвоза менга доим оиламиз тарихини эслатиб туради. Мана шу табаррук ҳовли-жойда яшайётганимдан жуда бахтиёрман.

**– Кинорежиссёр Жаҳонгир Аҳмедов томонидан «Илҳақ» фильми суратга олинди. Сулоланинг вақалари сифатида айтилган-чи, фильмдаги воқеалар ривожини худди сиз ота-онангиздан эшитганингиз каби?**

– Бу фильмнинг кўп саҳналари Россия Федерациясида олинган. Чунки аввал Зулфия Зокированинг беш фарзанди қандай ва қаерда ҳалок бўлгани ўрганилди. Архив маълумотлари тўпланди. Хуллас, ҳамма ҳужжатлар ўрганиб бўлинганидан кейин фильмни тасвирга олиш ишлари бошланди. Мендан «Фильмдаги воқеаларнинг ҳаммаси бўлганми, тўқима образлар йўқми?» деб кўпчилик сўрашади. Бу каби саволларга жавобим қатъий: «Илҳақ» фильми тўлиқ бўлиб ўтган воқеалар асосида суратга олинган.

Оиламиз тарихи билан жуда қизиққанман ва уларга оид маълумотларни тўплаганман. Аминманки, фильмда ҳеч қанақа тўқима образлар йўқ. Вақт ўтиб, инсон хотираси барибир ожизлашиб боради. Ҳеч нарса абадий эмас. Лекин воқеалар ва тақдирлар фильмга кўча, улар, албатта, тарихга абадий муҳрланади. Келажак авлод ҳар сафар мана шу фильмни кўрганида буюмнинг сиймосида ҳақиқий ўзбек аёли нечоғли бардошли, матонатли ва қатъиятли бўлиши лозимлигини англаб етади.

**– «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида буюмнинг ва унинг келинларига ўрнатилган монумент орасида дадангизнинг ҳам ҳайкали бор...**

– «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси қурилиши бошланган пайтларданок мен шу атрофдан кетолмадим. Тўғриси, қаттиқ ҳаяжонландим ва жуда қизиқдим. Қандай композиция бўларкан, ундан нималар жой оларкан, монумент қай ҳолатда ва қаерга жойлаштирилар экан, деган саволлар менга тинчлик бермасди. Ва ниҳоят биз кутган кунлар келди. Ёдгорлик мажмуаси очилди. Мен буюм ва дадамнинг ҳайкаллари ёнида музладим. Ҳаёлимга ҳам келмаган композиция амалга оширилган эди. Боққа ташриф буюрган ҳар бир инсонни тўхташиб, «ҳой, биродар, мана бу қад ростлаган ҳайкаллар менинг аждодларим, мана менинг дадам, буниси эса буюм, мен уларнинг авлодиман», дегим келарди, лекин икки кўзим тўла ёш, бўғзимга нимадир тикилиб, овозим чиқмай қолганди.

**– Сизни ҳайратга солган «Матонат мадҳияси» ансамблининг муаллифи ким эканлигига ҳеч қизиқиб кўрдингизми?**

– Узим ҳам тадбиркор сифатида меҳнатни жуда қадрлайман. Айниқса, у қўл меҳнати маҳсули бўлса. Табиийки, сулоламиз шарафига ўрнатилган монумент муаллифи билан қизиқдим. Ҳатто ўша устани топдим ва телефон орқали суҳбатлашдим. Кўнглимга бир ният тугиб қўйдимки, агар насиб қилиб кўришиб қолсам, албатта, бағримга босиб, раҳмат айтаман. Лекин ҳали кўришганим йўқ.

**– Бугун сиз учун қутилмаган «сюрприз» тайёрладик. Биз жамоамиз билан келишган ҳолда бу ерга**



**«Матонат мадҳияси» ансамблининг муаллифи Баҳром Норбоевни таклиф этганмиз.**

Суҳбатимиз айни шу жойга етганида ҳайкалтарош Баҳром Норбоев давраимизга келиб қўшилди.

– Жуда хурсанд бўлдим. Кўнглимга тугиб қўйган ниятим амалга ошди. Баҳромжон, анча ёш экансиз, мен сизни эллик ёшларни қоралаган инсон бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Агар руҳсат берсангиз, сизни бағримга босиб, ўз миннатдорлигимни изҳор этсам (Фарҳод ака ва Баҳром ака бир-бирларини бағирларига босишди). Ёш бўлишингизга қарамасдан яратган санъат асарингиз таҳсинга лойиқ. Бу бутун Ўзбекистоннинг мунис ва садоқатли аёлларига қўйилган ҳайкал. Чунки халқимиз орасида 3, 4, 5 нафарлаб фарзандларини урушга кузатган ўзбек оналари миллионлаб топилади. Миллион хил тақдирлар сиймосини битта ансамблда ярата олгансиз. Сизга яна бир бора чин юракдан раҳмат айтаман.

**– Баҳром ака, Зулфия ая Зокирова ва унинг келинлари монументини барпо этиш жараёни ҳақида гапириб берсангиз. Сизнинг меҳнатингиз бугун «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасининг муҳим бўлагига айланди.**

– Ишни бошлашдан олдин жуда кўрқув ва ҳаяжонда эдим. Композицияни яратиш мен учун жуда оғир ва қийин кечди. Зулфия ая ҳақидаги мавжуд барча маълумотларни кўриб чиқдик, кузатдик ва ўргандик. Керакли образни яратиш жараёнида жуда кўплаб материалларни ўрганишга тўғри келди. Ўрганишлар қанчалик чуқурлашар экан, Зулфия ая ҳақида қанча кўп маълумот тўплар эканмиз, ҳаяжонимиз шунча ошиб бораверди. Ахир олдимизда турган вазифа улкан: бутун ўзбек аёлларининг уруш йилларидаги қийинчиликлари, метиндек бардоши, сабр-тоқатини Зулфия ая тимсолида яратишимиз керак эди. Бу жуда оғир масъулият. Бошқа санъат турларида образни гавдалантириш осонроқ. Аммо ҳайкалтарошликнинг ўзига яраша машаққати бор. Битта қиёфа, битта образ, битта фон замирида инсоният бошига тушган хўрлик, машаққат, бевалик, етимлик ва фарзандлар доғидек азоб-уқубатларга бардош берган матонатли ўзбек онасининг қиёфасини яратиш кишидан катта куч талаб қилади. Узқ вақт кўрқув ва ҳаяжонда юрдим. Лекин жамоамиз билан амалга оширган ишимиз халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди. Мен Зулфия ая Зокировадек ўзбек оналаримиз борлигидан фахрландим. Уларнинг матонати, сабри олдида бош эгаман.

**«Vatanparvar» муҳбири Шерзод ШАРИПОВ суҳбатлашди.**





Леся Украинка украин халқининг мумтоз шоираси, бизнинг Зебуннисо, Нодирабегим каби.

Мана бу шеърга эътибор беринг-а:

*Бахтим қаро экан, толейим нигун,  
Ёлғиз умид билан яшайман бугун:  
Умидим бир кўрсам Украинамни,  
Диёрим-мунисим, жоним онамни.  
Зангор Днепрга бир боқар бўлсам,  
Армоним йўқ эди, сўнг, майли ўлсам.  
Қиру адирларда юрсайдим яна,  
Тошқин ўйларимни сурсайдим яна...*

Бу шеърни Сибирга сургун қилинган холаси Елена Антоновнага бағишлаб ёзган. У ўшанда 9 ёшда бўлган!

Шоиранинг асл исми Лариса Петровна Косач, Леся Украинка адабий тахаллусидир. У 1871 йил 25 февралда Новгород-Волинскда зиёли оилада туғилган. Онаси Ольга Пчилка тахаллуси билан ижод қилган таниқли ёзувчи бўлган. Шоира узоқ умр кўрмади. 1913 йил 1 августда Грузиянинг Сурами шаҳрида вафот этади. У болалигидан суяк сили дардида чалинган эди. Бу касаллик уни узоқ вақт тўшакка михлаб қўйди. Муттасил даволанишга маҳкум бўлса-да, ижоддан бир лаҳза ҳам тинган эмас. Унинг ижодида ОЗОДЛИК, ЭРК, ВАТАН мавзуси устувордир.

Леся Украинка бир қатор ажойиб ҳикоялар, қиссалар, болалар учун эртақлар ёзган. Шунингдек, жанговар-сиёсий публицистик асарлари, адабий-танқидий мақолалари ҳам машҳур.

Мен мумтоз адабиётни тушуниш бир қадар мураккаброк, деб ўйлайман. Леся Украинкани шоира сифатида таниганимда ўн икки ёшларда эдим. Унинг ижоди мактаб дарсликларига киритилмаган эди. Қисқача маълумотлар берилгандир, эҳтимол. Аммо эслолмайман. Унинг юпқа муқовали китоби отамнинг кичиккина кутубхонасида тушунарсиз китоблар қаторида бир бошқача кўринган кўзимга. Муқовасида шоиранинг расми борлиги учунми, эътиборимни тортди. Уни замонавий шоиралардан деб ўйладим ва варақлай бошладим. Хасталикка бўй бермаган матонатли, иродали бир қиз...

*Нозик дея, ким айтди мани, –  
Қисмат билан курашмади деб?  
Наҳот титрар қўлларим, таним,  
Товушим ҳам наҳотки заиф?  
Гарчи унда бордир гоҳида –  
Шикоят ва тўлқинли нафас,  
Бу бир тошқин – баҳор чоғида,  
Зерикарли куз ёмғиримас.*

Бир сеҳрли сатрлар экан, мени ўзига тортиб олди. Икки-уч марта такрорлаган эдим, ёдимда қолди. Ва мен Леся Украинка деган мумтоз шоирани танидим. Мумтоз адабиёт мен ўйлаганчалик мураккаб эмаслигини англадим. Ҳозир ҳам кайфиятимдан келиб чиқиб такрорлаб қўяман, баъзан.

# «ЙЎҚ! МЕН КЎЗДА ЁШ БИЛАН ҚУЛИБ, ҚАЙҒУДА ХАМ ҚУЙМАМ ҚУЙЛАРИМ»

Леся Украинканинг шеърларини улуғ шоирларимиз она тилимизга муҳаббат билан чевирганлар. Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шухрат, Маъруф Жалил, Зулфия, Носир Муҳаммад номлари шоиранинг улуғворлигини англатади.

Леся Украинканинг шеърлар, дostonлар, драмалардан иборат «Тонг отмоқда» китобидан парчалар келтириш учун варақлар эканман, шошиб қолдим. Энг яхши шеърдан энг яхши парчани... топиш мушкул. Чунки ҳар бири мукамал, ҳар бири бир олам. Айниқса, улуғларимиздан Эркин Воҳидов таржима қилган «Бир сўз» шеъри. Ватан деган улуғ сўз йўқ, Эрк деган муборак сўз йўқ. Аммо улар залворини ҳис қиласиз, бўғзингиздан отилиб чиқай дейди, бу табаррук сўзлар.

Келинг, парчалар ўқиймиз:

*Юртимизга учта мусофир –  
Келган эди. Улар йўқ хозир.  
Бири дардманд эди, нозикрок,  
Вафот қилди келган куниёқ.  
Алаҳларди. Тотимади туз,  
Лабиди қор, манглайида муз –  
Азоб ичра шўрлик берди жон,  
Бири кетди – билмадик қаён –  
Ватанига балки йўл олди...  
Учинчиси шу ерда қолди.*

Бу шеър ана шу учинчи мусофир ҳақида. Азиз ўқувчи, сизга шеър мазмунини айтиб бергим келяпти. Аммо мутолаа завқига путур етказишни истамайман. Шундай бўлса-да, айрим ҳолатларга изоҳ бериб ўтмасам бўлмас. Учинчи мусофир ёш эди. Ёт элда, тил билмасди, оз биларди. Асли доно эди, қўлидан китоб тушмас. У ёт тилда бир сўзни билмоқчи бўлди, англантишга чунон уринди-иии...

Ўқиймиз:

*Гоҳи йиғлаб, гоҳи куларди,  
Бизга недир айтмоқ бўларди.  
– Айтсам эди бу сўзни кўнгил –  
Ёришарди, тортарди енгил.  
У қанчалар табаррук менга,  
Агар уни берсалар менга,  
Шифо топиб бир умр дардим,  
Яшарардим, бардам бўлардим.*

Бу қандай сўз экан, унинг кучи, сеҳри нимада экан?! Шунчалар нажотбахш эканми?

Яна ўқиймиз:

*– Гар одамга толе бўлиб ёр.  
Не истаса бўлса ихтиёр.  
Тура олса хоҳлаганида,  
Юра олса хоҳлаганида.  
Хуллас, ҳар не қила олса у,  
Сизда қандай аталади бу?  
– «Юрмоқ», «турмоқ», «ишламоқ», «чопмоқ»...  
(Қандай қийин бу сўзни топмоқ!)  
Маънос боқди бизга бир жуфт кўз:  
«Сизнинг тилда йўқ экан бу сўз...»*

Шундай бўлиши мумкинми? Қандай сўзни қидиряпти? «Сизнинг тилда йўқ экан бу сўз...» Бор-йўғи олтита сўз. Ҳасрат, ғусса, соғинч ва армонни ортмоқлаган олти сўз.

Ўқиймиз:

*У қандайин нодир сўз эди?  
Нималарга қодир сўз эди?  
Бирор хислат бормиди унда?  
Бир мўъжиза ёрмиди унга?  
Унда сеҳр бор экан, агар  
Ўлар бўлса усиз одамлар.*

Китобдаги «Фожа» шеърини Маҳкам Маҳмудов ўзбек адабий тилига чевирган. Мардлик, матонат дostonи дейсиз.

Ўқиймиз:

*Баҳодир йиқилди жанг қизиғида,  
Ва сизди беаёв ажал боққанин.  
Қўлин маҳкам босди у ярасига,  
Камаярми дея қоним оққани.  
Қаср равоғидан боқарди гўзал,  
Баҳодирни жондан севган малаги.  
Кўрди-ю, ёрининг рангин шу маҳал,  
Ҳол сўраб юборди чўри-малайин.*

Баъзан айрим шеърларни ўқиётганингизда, кўз ўнгингизда бутун бир олам гавдаланади. Сиз шу олам ичига кирасиз, бу оламни ҳис қиласиз. Сизга ишонч билан айта олманки, Леся Украинканинг шеърлари ана шундай кучга эга. Тасвирлар, ҳолатлар, туйғулар буюк рассом ижодидан сўзга дўниб, қалбингизга кириб боради, гўё.

«Фожа» ҳақида сўз дейишим ножоиз, бу ўринда. Аслида шеърлар ҳақида гапириш керак эмас, уларни ўқиш керак. Бироқ сизга бу гўзал ва мардона шеърдан яна парчалар келтирма-сам, нимадир кемтик бўлиб қолаётгандек.

Ўқиймиз:

*«Бекам чорламоқда қасрга, жаноб,  
Жангоҳни тарк этинг демоқда тездан...  
Ярангизни ҳарир шойига ўраб,  
Ҳаётбахш доривор, малҳам сурамиз».*

*«Шундай яралар бор ёруғ оламда,  
Уларга қор этмас ширин сўз, малҳам.  
Бундай яраларнинг давоси – тандан  
Пўлат совутларни ечмаслик бир дам».*

*«Тақсирим, бу сўзлар гўзал бекамнинг  
Гулдайин қалбига етказар озор»,  
«Гар бўлса кўксида қалби, эркамнинг,  
Гул янглиғ титрасин, майли, айтгил, бор».*

Инсониятнинг энг гўзал қўшиқлари Озодлик, Эрк қўшиқларидир. Леся Украинка буларни энг юксак пардаларда куйлай олган шоирадир. Жавонингиздан «Тонг отмоқда» китобига жой бериб, кўнгил хазинангизни бойитинг.



Инобат ИБРОҲИМОВА,  
«Vatanparvar»



## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

## ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ ТАКЛИФЛАРИ БЕРИЛДИ

Қуролли Кучлар академиясида олий ҳарбий таълим муассасаларида бўлажак офицерларнинг ҳарбий-профессионал компетенциясини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



лимга, юксак ахлоқий-руҳий, маънавий-маърифий ва етакчилик фазилатларига, кенг дунёқараш ва ақл-идроққа эга, ташкилотчилик ва бошқарув фаолиятлари ҳамда ишониб топширилган жанговар техника ва қурол-аслаҳаларни тўғри ишлатиш бўйича юқори малакали офицерларни тайёрлаш курсантларда ҳарбий-профессионал компетентликни шакллантиришга йўналтирилади.

Курсантларда ушбу хусусиятларни шакллантириш ва тарбиялашда бўлинма командирлари ҳамда профессор-ўқитувчилар таркибининг назарий билим ва амалий кўникмалари, ҳаётий тажрибалари катта аҳамиятга эга.

Курсантларда ҳарбий-профессионал компетентликни мажмуавий шакллантиришнинг асосий усуллари турли фанларнинг имкониятлари ва уларни ўқитиш усуллари иноватга олган ҳолда, таълим олиш йиллари бўйича тузиладиган махсус йўналтирилган дастурларни тузиш ва ўрганиш орқали эришилади.

Илмий-амалий анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси Қўшинлар кундалик фаолиятини бошқариш кафедраси томонидан ҳарбий-касбий таълим тизимида малакали ҳарбий мутахассисларни юқори даражада тайёрлаш тизимини ўзида жамлаган инновацион ёндашув таклифлари берилди.

**Полковник Мирзоҳид ХАЛИЛОВ,**  
**Қўшинлар кундалик фаолиятини бошқариш кафедраси бошлиғи**



Давлатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, Дунинг ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш Қуролли Кучлар бирлашма, қўшилма ва бўлинмаларининг асосий вазифаси саналади.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажаришни таъминлаш учун курсантларда ҳарбий-профессионал компетенцияни шакллантириш ўқув-тарбиявий жараёнга бевосита боғлиқ.

Ватанга, Ўзбекистон Республикаси халқига сидқидилдан содиқ, ҳарбий жамоани бошқара оладиган, мураккаб тактик вазиятларда тезкорлик билан тўғри қарор қабул қиладиган ва мустақил ҳаракатлана оладиган, шахсий намунаси билан бўйсунувчиларини жанговар вазифаларни ечишга йўналтирадиган, ҳарбий соҳа бўйича чуқур би-

## «ЁШЛАР ОЙЛИГИ»

## КОНФЕРЕНЦИЯ

«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН  
ЁШЛАРИ, БИРЛАШАЙЛИК!»

Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» шиори остида ёш ҳарбий хизматчилар ҳамда Қуролли Кучлар ишчи ва хизматчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг фаол иштирокида, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи, турли йўналишлардаги тадбирларни ташкил қилиш бўйича «Ёшлар ойлиги»га старт берилди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ёшлар сиёсатида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун муҳим пойдевор бўлди ҳамда унинг муносиб ҳаёт кечириши, бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича зарур шарт-шароитлар яратилди.

«Ёшлар куни»нинг кенг нишонланиши жамиятимиз ва давлатимизнинг ёшлар сиёсатидаги қатъий иродасини намоён этиб, мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, нафақат юртимиз ёшлари, балки бутун халқимиз манфаатларига хизмат қилиши шубҳасиз.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Ёшлар ойлиги» доирасида ўтказиладиган тадбир ва лойиҳалар концепцияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда асосий принциплари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, барча ёшлар қатламини, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг фарзандларини қамраб олган ҳолда кенг нишонлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан боғлиқ долзарб вазифаларни ҳал этиш йўлларини белгилаб беради.

Бу тадбирларни ўтказишдан мақсад, ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларга фаол жалб этишдан иборат.

**Подполковник Тимур НАРЗУЛЛАЕВ,**  
**Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи**

Фарғона давлат университети Ҳарбий таълим факультетида «Олий таълим муассасалари ҳарбий таълим ўқув бўлинмаларида резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлашда инновацион ёндашув» мавзусида Республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

СОҲАНИ ЯНАДА  
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Конференцияда республикамиз олий ўқув юртларидаги ҳарбий тайёргарлик ўқув бўлинмалари, олий ҳарбий таълим муассасалари, ўрта махсус ва умумтаълим муассасалари чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарлари ҳамда ўқитувчилари, резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизими соҳаларида тадқиқот олиб бораётган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, илмий ходимлар, мустақил тадқиқотчи ва магистрантлар, шунингдек, иқтидорли талабалар онлайн тарзда иштирок этди.

Илмий-амалий конференция олий таълим муассасалари ҳарбий таълим ўқув бўлинмаларида захирадаги офицерларни тайёрлашдаги долзарб муаммолар ва унинг ечимлари, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани бўйича миллий ўқув дастури ҳамда уни тақомиллаштириш истиқболлари, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбарларини тайёрлашда инновацион педагогик-психологик технологияларнинг ўрни, резерв ва захирадаги офицерларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тарихий ёндашув ва миллий қадриятлардан фойдаланиш тамойиллари каби шубҳаларда ўтказилди.

Анжуманда асосий эътибор резерв ва захирадаги офицерларни тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, бу ишлар заминидан олий



таълим муассасаларидаги ҳарбий ўқув бўлинмаларида ўқув-тарбиявий жараён сифатини халқаро андазалар даражасига етказиш, таълимнинг янги инновацион услубларини, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш, ёшларни миллий мафкура ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий етук, профессионал тайёргарликка эга бўлган офицер кадрларни тайёрлашга қаратилди.

Билдирилган таклифлар атрофлича муҳокама қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Подполковник И. САИДОВ,**  
**Фарғона давлат университети Ҳарбий таълим факультети бошлиғи**

# ПСИХОЛОГИЯДАГИ 15 та ФАКТ

Психологик билимларга эга бўлган инсон ўз-ўзини англайди, камчиликларини кўра олади ва уларни тузатишга интилади. Зеро, психология психиканинг фактлари, қонуниятлари ва механизмларини ўрганadi. Қуйида психологиядаги энг ишончли 15 та факт ҳақида сўз юритмоқчимиз.



**1 факт** Психологик билимлар дастлаб инсон ҳаётини мураккаблаштиради, тўпланган билимларни ҳаётга татбиқ этиш эса – ҳаётни осон ва мазмунли қилади.

**2 факт** Оксфорд университетининг олимлари китоб ўқиш стресс, хавотир ва ташвишлардан қутулишнинг энг самарали усули эканлигини исботлаб бердилар. Дарҳақиқат, ўқиш организмга нисбатан тезроқ таъсир кўрсатади. Шуниси қизиқки, ўқиш алкоголь ичиш, сайр қилиш, чиройли даврада чой ичиш ёки яхши мусиқа тинглашдан ҳам самаралироқ усул саналади.

**3 факт** Инсон ўзида бирор-бир одатни шакллантириш учун ўртача 66 кун талаб этилади. Масалан, китоб ўқишни ёқтирмайдиган одам ушбу ўта фойдали ишга одатланиши учун бор-йўғи 66 кун «бардош» бериши керак.

**4 факт** Агар инсон қандай ўйлаётганлиги ҳақида ўйласа, бу унинг юқори интеллект соҳиби эканлигини англатади. Гап шундаки, IQ даражаси (интеллект коэффициенти) юқори бўлган одамлар ўзларида кечаётган тафаккур жараёнларига диққат қарата оладилар.

**5 факт** Биз ахборотни кўзлар юмук ҳолда осонроқ эслаб қоламиз. Хотирада мустақамлаб олиш учун ўқилган маълумотни кўзлар юмук ҳолда қайтариш яхши самара беради.

**6 факт** Биласизми, агар инсон доимий равишда икки тилда сўзлашиб юрилса, алъгеймер касаллиги симптомларининг пайдо бўлишини кечиктириш мумкин.

**7 факт** Ҳар 30-50 дақиқалик машғулотдан кейин 10 дақиқалик танаффус қилиш – ахборотни эслаб қолишнинг энг самарали усулидир. Айримлар тушуниш ва ўзлаштириш учун 2-3 соат тўхтовсиз ўқийдилар. Бу, албатта, қандайдир натижа беради. Аммо ҳар 30-50 дақиқадан кейин танаффус қилиш эслаб қолиш маҳсулдорлигини сезиларли даражада оширади.

**8 факт** Агар инсон суҳбат давомида ниманидир эслашга ҳаракат қилиб, шу вақтнинг ўзида кўзларингизга қараб турган бўлса, ишонинг, у сизни алдаяпти. Аслида, у эслаб қолиш учун контекстга қараш керак.

**9 факт** Аёл кишига нотаниш эркакни баҳолаш учун бор-йўғи 45 сония вақт етарли. Шундан 10 сония эркакнинг қомати ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш учун, 8 сония кўзларини баҳолашга, 7 сония сочиға тикилиш, 10 сония лаблари ва иягига, 5 сония елкаларига баҳо бериш учун сарфланади. Қолган 5 сония эса никоҳ узугининг бор ёки йўқлигини билиш учун қарашга кетади. Эркак эса аёлга чинакам баҳо бериши учун анча кўпроқ вақт сарфлайди. Ушбу фактда гап фақат ташқи кўринишга бериладиган баҳо ҳақида кетяпти.

**10 факт** Суҳбатдошлар мулоқот давомида бир-бирларига муттасил қараб туролмайдилар. Улар умумий вақтдан 60 фоиздан кўп бўлмаган вақт давомида бир-бирига қараб туради. Агар сизга яхши таниш бўлмаган одам узоқроқ тикилиб турса, бу унда сизга нисбатан яширин агрессия бор эканлигини англатади. Ёқтириб қолиш бундан мустасно.


**11 факт** Инсоннинг мияси ва ошқозони узвий боғлиқ. Шунинг учун айрим эмоциялар ошқозонга кучли таъсир этади. Улар орасида стресс ва хавотир биринчи ўринни эгаллайди.

**12 факт** 6-7 соат ухлайдиган одамлар 8 соат ухлайдиганларга қараганда бевақт ўлимга камроқ дучор бўладилар. Бироқ турли психик муаммолар кечалари 5 соатдан камроқ ухлайдиганларда 8-9 соат ухлайдиган одамларга қараганда 3 баравар кўпроқ учрайди.

**13 факт** Орзу-хаёлларга кўп берилувчан, хаёлпараст одамлар бошқаларга қараганда кўпроқ туш кўрадилар ҳамда тушларини яхшироқ эслаб қоладилар.

**14 факт** 5 та энг кўп кўриладиган ёмон тушлар: қулаб тушиш, таъқиб, фалажлик, кечикиш ва яқин одамнинг ўлими.

**15 факт** Раҳмат айта оладиган, чин дилдан ташаккур изҳор эта оладиган одамлар бахтли бўлишни осонроқ эплайдилар. Шукурли ва сертабассум инсонларнинг стрессни нисбатан осонроқ енгиб ўтишлари ҳамда ҳаётда омадлироқ бўлишлари ҳам ҳаётда кўп кузатилган.



Ҳайдарбек ҲАМДАМОВ,  
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

## ҚЎРҚУВ ВА ВАҲИМАНИ ҚАНДАЙ ЕНГИШ МУМКИН?

Бугунги пандемия шароитида кўпчиликда стресс, хавотир ёки қўрқув каби салбий ҳолатлар кузатилиши табиий. Шундай экан, ҳозирги вазиятда инсонларга психологик ёрдам кўрсатиш долзарб аҳамият касб этади. Зеро, психологик мазмунга кўра, пандемия шароитидаги безовталиқ вазиятни янада қийинлаштиради. Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ва мафкуравий ишлар бош бошқармаси ижтимоий-психологик тадқиқотлар бўлими мутахассисларининг амалий тавсиялари бунда қайсидир маънода ёрдам беради деган умиддамиз.

### ИШОНЧЛИ МАНБАЛАРНИ ЎҚИНГ

Аввало, касаллик ҳақида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва республикамиз тиббиёт идораларининг ишончли манбаларига таяниш жуда муҳимдир. Сиз у орқали ЖССТнинг «COVID-19» инфекциясининг қандай тарқалиши, уни енгиб ўтишнинг тиббий чоралари ҳақида аниқ маълумотлар олишингиз мумкин. Агар янгиликларни ўқиётганингизда ўзингизда ваҳима кўзғалишини ҳис қилсангиз ва сизда хавотирлик ҳисси ошса, интернетда ўтириш вақтингизни чекланг.

### ВАЙРОНҚОР МУНОЗАРАЛАРДА ҚАТНАШМАНГ

Турли хил салбий фикрларга эга бўлган инсонлар билан баҳслашиш учун куч сарфламастикка ҳаракат қилинг. Ҳозирги пайтда ўз ҳиссий ҳолатингиз қандай эканлигига, мунозарага киришганингиз учун ишончли манбангиз бор-йўқлигига катта эътибор беринг ва бошқаларга нисбатан ноҳақ муносабатлардан тийилинг.

### КУНДАЛИК ҲАРАКАТЛАРИНГИЗНИ РЕЖАЛАШТИРИНГ

Ҳар кунги уйку, овқатланиш, жисмоний фаолликни кузатиб боринг. Шахсий гигиенага амал қилинг. Мунтазам равишда кўриқдан ўтинг.

Номаълум ва ҳаддан ташқари ташвишли вазиятларда, бошқалардан ёрдам сўрашдан қўрқманг. Агар ҳис-туйғулар сизни ортиқча ташвишга солаётганини сезсангиз психолог, психотерапевтдан ёрдам сўранг.

### ИНСОН КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ПАЙТИДА ВАҲИМА БИЛАН ҚАНДАЙ КУРАШИШИ КЕРАК?

Бизнингча, пандемия шароити билан боғлиқ психологик инфекцияни келтириб чиқараётган психологик омиллар бу «кайфият» ва «ваҳима» ҳисларидир. Хўш, психологик инфекция нима? Психологик инфекция бу – ваҳима ва қўрқувдан иборат бўлиб, унинг таъсири нафақат организмга, балки бутун жамият кишилари психикасига таъсир этади. Шунинг учун, ахборотлар оқими ва унга бўлган муносабатни инсон адекват тарзда ўзгартириши лозим. Қўрқув энг хавфли психологик инфекция сифатида салбий оқибатларга эга. Қўрқувдан фарқли ўлароқ, ваҳима билан курашиш осонроқдир.

Капитан ШУҲРАТ НАВРУЗОВ,  
Мудофаа вазирлиги бўлим катта офицери

## АЙЁМ ШУКУҲИ

## БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ УЛАШИЛДИ



Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлиги, Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳокимлиги ва тегишли жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида тумanning «Ҳамзобод» маҳалла фуқаролар йиғини боғида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Ҳар бир болага меҳр, эътибор!» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Чирчиқ гарнизони ҳарбий оркестри ҳамда болаларнинг бадиий чиқишлари билан бошланган байрам тадбирида турли кўнгилочар ўйинлар, кўргазмалар ташкил этилди. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари учун байрам дастурхони ёзилди. Волонтерлар ва ҳомийлар томонидан Ҳамзобод, Халқобод ва Маданият маҳаллаларида яшаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 150 дан ортиқ фарзандига байрам совғалари улашилди.

– Ўзгача тантана ва кайфият билан ўтган тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар машғулотлар ва қўл жанги бўйича кўргазмали чиқишларини болажонлар олқишлар билан кутиб олишди. Уларда армиямиз ҳамда Ватан ҳимоячилари тўғрисида ёрқин таассурот қолдирдик, ҳавас уйғотдик, – дейди майор Сатторали Собиров.

Шу куни Оққўрғон тумани «Зарбдор» маҳалла фуқаролар йиғинида Мудофаа вазирлиги ҳомийлигида қишлоқ ёшлари учун ташкил этилган компьютер марказида ҳам байрам тадбири ўтказилди. Жажжи болажонлар томонидан шеърлар айtilди, гўзал оҳангларда дутор чертилди, рақслар тушилди. Ота-оналар ёшларни қўллаб-қувватлаётганликлари учун ҳарбийларга ўз миннатдорликларини билдирдилар.

**Кундуз КАРШИЕВА,**

**Мирзо Улуғбек тумани 207-умумтаълим мактаби ўқитувчиси**

Ўз фарзандини подшоҳдек кўрадиган, унинг айтганларини сўзсиз муҳайё этадиган, ўзи емаса-да, боласига едирадиган, керак бўлса уни «сиз»лаб чақирадиган халқ бу, албатта, ўзбеклардир. Ўзбек халқи азал-азалдан болажон халқ.

ДИЛЛАРДА  
МАМНУНЛИК ҲИССИ

Байрам муносабати билан Қуролли Кучлар давлат музейида ҳам тадбир бўлиб ўтди. Унда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари, курсантлар, мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.



Муаллиф суратга олган

Тантанали тадбир Қуролли Кучлар ҳарбий оркестри жамоаси томонидан ижро этилган Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси билан бошланди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар болажонларни байрам билан табрик-лаб, самимий тилакларини айтишди. Байрамнинг бадиий қисмида 153-сонли спорт-лидер ва Яшнобод туманидаги 170-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг кўргазмали ва қўл жанги чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. «Импульс» ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблларининг шўх кўшиқлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки кайфият улашди.

**Шерзод ШАРИПОВ**

ШОДОН ҚАЛЪЛАР  
ҚУВОНЧИ

Қуролли Кучлар академиясида ҳарбий хизматчилар ҳамда Қуролли Кучлар ишчи-хизматчиларининг фарзандлари билан маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари ўтказилди.



Унда Тошкент шаҳар Учтепа тумани Алихонтўра Соғуний ва Ватанпарвар маҳалласида истиқомат қилаётган уюшмаган ёшларнинг фарзандлари

ҳам иштирок этди.

Иқтидорли ўғил-қизлар «Озод ва обод юрт», «Менинг оилам – менинг фахрим», «Бутун олам ранглари жилоси», «Менинг дадам – Ватан ҳимоячиси» мавзуларида расм чизиш, шеър айтиш, қўшиқ куйлаш, рақсга тушиш, чолғу асбобларини чалиш каби маънавий-маърифий тадбирларда беллашдилар, шунингдек, шижоатга тўлиб турган ёшлар велопоёғи, шахмат-шашка, стол тенниси, сузиш, саватчага тўп отиш, оддий усулларда тўп билан югуриш каби спорт турлари бўйича ҳам куч синашдилар.

Байрам тадбири давомида Қуролли Кучлар академияси курсантларидан иборат Фахрий қоровулнинг кўргазмали саф чиқишлари, қўл жанги усуллари ҳамда ҳарбий оркестр жамоаси томонидан чалинган мусиқалар болажонларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан барча иштирокчилар совға, диплом ва кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Шунингдек, оиласида ногирон фарзанди бўлган ҳарбий хизматчиларнинг уйларига ташрифлар уюштирилиб, уларга ҳам совға-саломлар улашилди.

**Дилдора АБДУРАҲМОнова,**  
**Қуролли Кучлар хизматчиси**

Қуролли Кучлар академиясида «Ёшлар ойлиги» муносабати билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳамкорликда «Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!» мавзусида уюшмаган ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

МИЛЛИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК  
РУҲИ СИНГДИРИЛДИ

Тадбирда Тошкент ахборот технологиялари университети доценти Султан Қудратов, маҳалла фуқаролари билан ишлаш бўйича мутахассис Саида Бакиева ҳамда 23 нафар уюшмаган ёш иштирок этди.

Қуролли Кучлар академияси Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси капитан Б. Солиев «Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, ёшларга яратилаётган имкониятлар» мавзусида маъруза қилди.

Учрашувдан кўзланган асосий мақсад уларда мардлик, матонат, садоқат каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, буюк давлат арбоблари, саркардалар жасорати, Ватан ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатган замондошларимиз ибрати асосида миллий ватанпарварлик руҳини кучайтириш, маънавий таҳдидлар ва сал-

бий иллатларнинг олдини олишдан иборат бўлди.

Уюшмаган ёшлар номидан сўзга чиққан Камронбек Саиджонов ўтказилган тадбирдан мамнунлиги ва истиқболдаги режалари тўғрисида айтиб берди. Ҳозирда ишсиз ёшлар қаторидан жой олган Мадина Қиёмова ҳам ўз сўзида буюк давлат арбоблари, саркардалар жасорати, Ватан ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатган замондошларимиздан ибрат олганлигини, мумкин бўлса ҳарбий либос кийиб, ҳарбий хизматни ўташ истаги борлигини яшириб ўтирмади.

Шу куни ёшлар академия фаолияти билан танишиб, бир олам таассуротларга эга бўлдилар.

**Капитан Бобурмирзо СОЛИЕВ,**  
**Қуролли Кучлар академияси ёшлар етакчиси**

## БАХТЛИ БОЛАЛИККА ҚАЙТИБ

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирнинг азиз меҳмони олий ҳарбий таълим муассасасида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучлар хизматчиларининг фарзандлари бўлди.

«Ватан, дўстлик ва бахтли болалик» шиори остида ўтказилган байрам тадбири давомида болалар ўртасида турли спорт мусобақалари, беллашувлар ўтказилди. Чирчиқ шаҳар «Баркамол авлод» мактабининг «Наргиз» жамоаси томонидан намоёиш этилган концерт дастури кечага байрамон руҳ улашди. Бахтиёр болалик, гўзал ёшлик, меҳр-муҳаббат, тинч ва фаровон ҳаётни тараннум қилувчи куй-қўшиқлар болажонларни рақсга чорлади.

Тадбир ниҳоясида спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган болажонлар рағбатлантирилди.

**Шодия ХОЛЁРОВА,**  
**Сурхондарё вилояти юридик техникуми 2-босқич талабаси**

# ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАСИ

*Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ўзбек халқи ҳам муносиб ҳиссасини қўша олган. Фронт ва фронт ортидаги қаҳрамонликлар жуда катта қурбонлар эвазига қўлга киритилгани ҳеч кимга сир эмас. Мустақиллик йилларида республикаимизда уруш қатнашчиларига бўлган эътибор давлат сиёсатига айланди.*



1939 йил 1 сентябрь куни фашистлар Германияси қўшинларининг Польшага бостириб кириши билан бошланган бу уруш 61 мамлакатни, Ер шари аҳолисининг 80 фоизини, яъни 1,7 миллиард кишини ўз гирдобига тортди. Иккинчи жаҳон урушини йирик давлатлар ўртасидаги ихтилофлар, тажовузкор кучларнинг дунёга ҳукмрон бўлиш учун интилишлари келтириб чиқарган эди. Урушни ўзаро иттифоқда бўлган асосий босқинчи давлатлар – фашистлар Германияси, Италия ҳамда Япония бошлади. Улар орасида Германия уюштирувчи, етакчи роль ўйнади. Фашизм ўта агрессив, ўта уришқоқ сиёсий куч, сиёсий партия сифатида Биринчи жаҳон уруши тугаши биланоқ дастлаб Италия сўнгра Германияда вужудга келади. Фашистик кучларни Биринчи жаҳон уруши якунларидан норози бўлган, дунёни қайтадан бўлишга ва ҳукмрон бўлишга интилувчи йирик молия-саноат корхоналари эгалари, ҳарбийлар ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. Фашистлар икки жаҳон уруши ўртасида ўтган 20 йил давомида илдиз отиб, кучайиб боради ва ниҳоят Германия, Италия ва бошқа мамлакатларда сиёсий ҳокимиятни эгалладилар.

Жаҳон тарихшунослигида Иккинчи жаҳон урушининг 1-даври сифатида 1939 йил 1 сентябрдан 1941 йил 22 июнгача бўлган давр эътироф этилиб, мазкур даврда фашистлар Германияси Ғарбий ва Марказий Европада ҳукмронликни қўлга киритади. Қисқа вақт мобайнида Германия ва Италия Европадаги 10 та давлатни – Польша, Чехословакия, Югославия, Бельгия, Голландия, Люксембург, Дания, Норвегия, Австрия, Францияни босиб олди. Миллатлар лигаси эса ўз фаолиятини тўхтатади. Гитлер бошчилигидаги Германия Ғарбий Европанинг ҳарбий, иктисодий ресурсларини қўлга киритгач, 1941 йил 22 июнь куни ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, уруш эълон қилмасдан СССРга хоинона ҳужум бошлади. Фашистларнинг асосий мақсади СССРни тўлиқ босиб олиш, бойликларини ўзлаштириш, миллионлаб кишиларни кириш ва қолганларини қул қилишдан иборат эди.

Фашистлар Германиясининг СССРга қарши олиб борган уруши характер жиҳатидан босқинчилик, адолатсиз уруш сифатида тарихга кирган. Германия билан ҳамкорликда унинг иттифоқчилари – Италия, Финляндия, Венгрия, Руминия, Болгария ҳам СССРга қарши урушга кирдилар. Собик совет ҳукумати 22 июнь куни урушнинг бошланиши муносабати билан мамлакат халқига мурожаатнома ишлаб чиқди ва мазкур ҳужжат ўша куниёқ радио орқали эълон қилинади.

Урушнинг бошланганлиги тўғрисидаги шумхабар етиб келган куниёқ Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва туманларида, корхона ва муассасаларида митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, зиёлилар, талаба ёшлар ўз Ватанларини ҳимоя қилишга, юзма-юз жангларда босқинчиларни тор-мор этиш учун урушга боришга, ғалабани таъминлаш учун фронт орқасида фидокорона меҳнат қилишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Юқорида таъкидланганидек, бошқа республикалар қатори ўзбекистонликлар ҳам фронтга отландилар. Урушнинг биринчи ойидаёқ ҳарбий комиссарликларга 32 мингдан кўп ишчи, хизматчи, колхозчи, ёшлар ўзларини фронтга жўнатишни сўраб ариза бердилар. Барча вилоят, шаҳар ва туман ҳарбий комиссарлари ҳарбий хизмат мажбуриятида бўлганларни сафарбар этиш билан шуғулландилар. Бунинг натижаси ўлароқ юз минглаб ватандошларимиз қўлга қурол олиб, фронтга жўнаб кетдилар. 1941 йил 23-24 июнда Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Нукус шаҳарларида кўп минг кишилик митинглар бўлиб ўтди ва уларда сўзга чиққанлар Ватанни кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга

ваъда беришди. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, урушнинг дастлабки кунларида республиканинг турли шаҳар ва туманларидан ҳарбий комиссарликларга кўнгилилардан 14 мингдан ошқ ариза келиб тушган. 1941 йил 1 ноябрдаги маълумотларга кўра, Тошкентда ҳаммаси бўлиб 35 та ҳарбий таълим пункти ташкил қилинди.

Ўзбекистонда 89, 90, 91, 92, 93, 94, 95, 96, 97-алоҳида ўқчи бригадалари ҳамда 99, 100, 101, 102, 103-кавалерия дивизиялари ташкил топди. Уларнинг ташкил қилиниши бўйича барча масъулият республика вилоятлари орасида тақсимлаб чиқилди. Миллий ҳарбий қисмларни ташкил этиш бўйича барча харажатлар маҳаллий ресурслар ва аҳоли ҳисобидан қопланди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун жангчилар ва офицерлар тайёрлайдиган марказга айлантирилди. Мазкур округ 1941 йил июндан 1942 йил охиригача бўлган муддатда ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий қўшилма тузишга муваффақ бўлиб, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош Қўмондонлик қароргоҳи захирасига 86 та дивизия ва бригада жўнатади. Ўз ўрнида Ўзбекистон ҳукумати ва ватанпарвар кучлар кўплаб миллий ҳарбий қўшилмалар тузиш ташаббуси билан чиқдилар. 1941 йил 13 ноябрдан 1942 йил мартгача бўлган даврда 14 та миллий ҳарбий қўшилма, жумладан, 9 та ўқчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб, фронтга жўнатилди. Ўз навбатида урушнинг дастлабки йилларида Қорақалпоғистондан ҳам 1 700 ишчи ва 13 000 дан ортиқ ёш фронтга юборилди. Шу билан бирга 1941 йил 1 ноябрда республикада 20 та батальон, 114 та рота, 955 та бўлинма ташкил қилинди. 1941 йил 3 декабрда келиб, 97-Қорақалпоғистон алоҳида миллий бригадаси тузилиб, унинг таркибига 5 500 нафар ишчи ва ёшлар ихтиёрий равишда кирдилар.

Хоразм вилояти бўйича 1 156 киши, Самарқанд вилояти бўйича 1941 йил, 8 июлга қадар – 1 316, 4 августга қадар – 2 933, Тошкент вилояти бўйича 1941 йил, 26 июнь куни 932 киши, Фарғона вилояти бўйича 1 735, Андижон вилояти бўйича 798, Наманган вилояти бўйича 267 киши фронтга юборилди. Миллий қўшилма аскар ва офицерларига яхши ҳарбий таълим беришда, улар билан фронтни мустаҳкамлашда Ўзбекистонда тузилган захирадаги 24-ўқчи дивизия катта роль ўйнади. Дивизиянинг бошлиқ ва офицерлари таркибда 178 нафар ўзбек ўғлони фаол хизмат қилди. Бу дивизия уруш йилларида 390 минг кишидан зиёд жанговар кучлар тайёрлади ва фронтга жўнатди.

Ўзбекистонлик жангчилар 1942 йилда Қрим, Донбасс, Дон, Кубан, Шимолий Кавказда бўлган оғир жангларда ҳам қатнашиб, ўз вазифаларини бажардилар. Ўзбекистонда узоқ йиллар хизмат қилган генерал И. Петров Севастополь ҳимояси учун бўлган 8 ойлик уруш иштирокчиси бўлиб, у катта ҳарбий маҳорат билан алоҳида денгизбўйи армиясига қўмондонлик қилди. Севастополни қуруқликдан ҳимоя қилишни ташкил этди. Унинг адыютанти тошкентлик катта лейтенант З. Қаҳҳоров эди. Генерал И. Петров Шимолий Кавказ фронти, кейинроқ 4-Украина фронтига қўмондонлик қилади, Берлин операциясида қатнашди. Урушдан кейин Тошкентга қайтиб келиб, Туркiston ҳарбий округи қўшинларига қўмондонлик қилди. Ўзбекистонликлар 62- ва 64-армиялар сафларида туриб, тарихий Сталинград жангида қаҳрамонона жанг қилдилар. Жанглар авжига чиққан пайтда Сталинградга Самарқанд ва Фарғонада тузилган 90- ва 94-ўқчи бригадалар етиб келиб, жангга кирдилар. Бу бригадалар асосан ўзбек йигитларидан тузилган бўлиб, командирлари орасида С. Нуриддинов, В. Умаров, А. Муродхўжаев, Ф. Норхўжаев ва бошқалар бор эди.

21-отлик аскарлар дивизиясининг баланд жанговар руҳда жанг қилишида дивизия комиссари, кейинроқ генерал-майор унвонига эришган Муллажон Узоқовнинг хизмати катта бўлди. Волга бўйларида дахшатли жанглар бўлаётган пайтда ўзбекистонлик жангчилар ўзбек халқининг уларга ёзган хатини олдилар. Жангчилар бу хатни жанговар топшириқ деб қабул қилдилар. Унга жавобан янада қатъийроқ, шиддатлироқ жанг қилдилар. 128-гвардиячи Туркiston тоғ-ўқчи дивизияси аскарлари душманга қарши шиддатли зарбалари билан шуҳрат қозондилар.

Кичик лейтенант М. Кабилов взводига Перелазовск хутори ёнидаги тепаликни эгаллаш ва ушлаб туриш вазифаси топширилди. Взводнинг 40 та жангчиси ҳамма томондан очик, душманга кўриниб турган ялангликдан ўрмалаб тепага юрди, қаттиқ жанг, оғир йўқотишлар эвазига тепаликни ишғол этди. Тирик қолган 11 жангчи душманнинг 300 жангчисига қарши 12 кун давомида тепаликни қўлдан бермай жанг қилишди ва душманни ўша тепалик ёнида тўхтатиб қолди. Уларнинг 9 таси ўзбек, 1 таси қозоқ ва 1 таси татар миллати вакиллари эди. Оғир жангда Б. Алимбеков, Д. Аҳмедов, Б. Ғаффоров, С. Мардонов, Ҳ. Мусаев, С. Пайзиев, Н. Ҳайитов, С. Тленовнинг қони ана шу тепаликда абадий қолди. Фақат Абдурахмон Эрдонов ва М. Кабилов тирик қолишди. Бу тепалик ҳозиргача «Шарқнинг 11 қаҳрамони» деб аталиб келинмоқда.

Урушнинг боришида Сталинград учун олиб борилган жанг муҳим аҳамиятга эга бўлган. Машҳур сержант Павлов уйини мудофаа қилган жангчилар орасида ўзбек йигити Камолжон Турғунов ҳам бор эди. Сталинградда жанг қилаётган наманганлик офицер Мамасоли Жабборов 1942 йилнинг ноябрида ўзининг мотоўқчилар ротаси билан чекиниб бораётган душманнинг иккита полкига шиддатли ҳужум қилиб, 400 нафар аскар ва зобитни кириб ташлади, 230 нафарини асирга туширди ва анчагина қурол-аслаҳани ўлга қилиб олади. Снайпер Абдужаббор Алиқулов хисобига 13 гитлерчининг кириб ташлагани ёзиб қўйилганлиги маълум.

Бошқа бир ўзбек снайпери Ҳайит Хўжаматов Сталинград жангларида 117 фашист аскар ва зобитини кириб ташлади. Пулемётчи Ҳамро Очилов жангда кўрсатган қаҳрамонлиги учун «Ленин» ордени билан тақдирланган. Кичик лейтенант Жўра Турдиев бош бўлган бўлинма тўпчилари катта маҳорат кўрсатиб, 200 дан ортиқ фашистни ер тишлатди. Гвардиячи майор Убайдулла Мирзоидовнинг батальонидаги жангчилардан Солих Ғуломов 100 дан ортиқ гитлерчинини, Темир Худойбердиев душманнинг 50 нафар аскарини отиб ўлдирди ва 100 дан ортиқ фашистни асир олди. Ўзбекистонлик жангчилар Сталинград остоналарида фашистлар Германиясини тор-мор қилишда жангнинг олдинги сафларида бўлдилар. Ўзбекистонлик 2 788 жангчига «Сталинград мудофааси учун» медали топширилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанггоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланди. Бу ҳол ёшларни юртпарварлик, меҳнатсеварлик, аждодларининг энг яхши аъналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга.

**«Шон-шараф» музейи кичик илмий ходими Зинур БОЗОРОВ тайёрлади.**

# Руи Гонсалес де Клавихо

## «САМАРҚАНДГА, ТЕМУР САРОЙИГА САЁХАТ

## КУНДАЛИГИ. 1403 — 1406 ЙИЛЛАР»



*Бордан байрам.*

*Шарфсимон хатоси*

Үн бешинчи сентябрь душанбада соҳибқирон бошқа ҳашаматли боққа кўчиб ўтди. Бу боғнинг дарвозалари жуда баланд, ҳар хил қимматбаҳо тошлар, тилла-кумушлар билан безак берилган. Шу кун соҳибқирон катта базм уюштиришни буюриб, элчиларни, барча ҳурматли меҳмонларни, қариндошлару завжаларини таклиф қилди. Боғ жуда катта, мевали ва соя берувчи дарахтлар мўл, турли йўлакчалар атрофи дарахт шохлари билан тўсилган. Катта чодирларга ранг-баранг ипак гиламлар осиб қўйилган.

Боғ ўртасида ҳашаматли бино бор. Бинонинг ичкари хоналари, еру деворлари чиройли безатилган. Кираверилганда баланд супача, унинг устида тиллакор катта стол бор, баландлиги одам бўйича, узунлиги уч қадам келади, теварақда ўтириш учун қат-қат кўрпачалар ҳам бор. Соҳибқирон дам оладиган бу ернинг деворлари қизғиш ранглардаги дуру гавҳарлар билан безатилган. Ипак матоли пардалар билан тўсилган. Шамол бўлганда пардалар кўтарилиб, жуда чиройли манзара касб этади. Баландда жойлашган яна бир хона деворларида ҳам шундай чиройли пардалар ерга тегиб турибди, гиламлар солинган.

Уйнинг ўртасида, эшикнинг қаршисида узунлиги беш қадамча ва эни уч қадамча келадиган, устига еттита олтин кўзача қўйилган иккита стол бор. Олтин кўзачаларнинг иккитаси зумрад ва дур-гавҳарлар билан безатилган, ҳар бирига олмос тошлар қадалган. Тилладан ясалган олти думалоқ пиёлага ҳам дуру гавҳарлар қадалган. Базмга соҳибқироннинг таклифи билан испан элчилари ҳам чақирилган эди. Таклиф қилиш учун боришганда тилмоч йўқлиги туфайли элчилар кутиб қолишди ва базмга кечикдилар. Улар етиб келганда соҳибқирон овқатланиб бўлганди. Шунда у бундан кейин таклиф қилганида тилмочсиз бўлса-да, ўз вақтида етиб келишлари кераклигини, бу сафар уларни кечирини ва базм учун уюштирилганини айтиб, жуда жаҳли чиқди ва меҳмонлар вақтида олиб келинмаганлиги учун мирзоларни койиди.

Тилмочга одам жўнатиб, соҳибқирон ундан ғазабда эканлигини ва бу иши учун уни жазолаши кераклигини айтганда, ўша ердагилар жазоламаслигини сўраб, илтимос қилдилар. Шунда элчиларни кузатиб юрвчи ҳурматли шахс тилмоч номидан узр сўради, уни қутқариб қолди. Соҳибқирон

*(Боши газетанинг ўтган сониди)*

элчилар байрамда қатнаша олмаганликлари учун уларнинг яшаб турган жойларига улуш сифатида бешта қўй ва иккита катта кўзада шароб жўнаттирди. Байрам кечасида соҳибқироннинг барча қариндошлари, сарой аҳллари ва ҳурматли меҳмонлар қатнашганди. Элчилар кейинроқ ўз кузатувчиси билан бу жойларни кўриб, танишиб чиқишди.

### *Меҳмонлар устидан туллар соғиш одати*

Йигирма иккинчи сентябрь душанба кун соҳибқирон бошқа боғи томон йўл олди. Бу боғнинг атрофи тўртбурчак шаклида баланд деворлар билан ўралган, бурчакларида гумбазлари бор эди. Боғнинг ўртасида катта қаср турар, олдида эса ҳовуз мавжланиб, кўзни қамаштирарди. Қаср бошқаларига қараганда жуда катта ва ҳашаматли. Ҳамма боғлар каби шаҳар ташқарисида жойлашган бу боғнинг номи «Боғишамол»дир. Соҳибқирон бу боғда ҳам базм уюштириб, унга элчиларни ҳам чақирди. Базмда соҳибқирон ҳаммага май ичишни буюрди. Ўзи ҳам андак ичди. Май уларнинг одатига кўра, овқатдан олдин келтирилди. Уларга хизматкорлар тиз чўкиб май қўйиб беришарди. Кимда-ким май ичишни хохламаса, соҳибқиронни беҳурмат қилган ҳисобланарди. Агарда соҳибқироннинг соғлиғи деб ичилса, охириги томчисигача қолдирмасдан қадахларни кўтариб ичишарди. Элчилар базмга келишларидан олдин ҳўкмдор ўз мирзоларидан бирини улар олдига бир кўза май билан жўнатиб, байрамга келишларидан олдин шу майни ичиб, шод-хуррам бўлиб келишларини тайинлаганди. Элчилар соҳибқирон ҳўзурига келишганда уларни ҳўрмат қилиб, аввалгидай тўрга, соҳибқироннинг ёнига чиқариб ўтказишди.

Аввалгидай қовурилган қўй ва от гўшти, гурчудан тайёрланган овқатларни олиб келишди. Таомдан сўнг бир мирзо кумуш идишда кумуш тангаларни олиб келиб, элчилар ва бошқа меҳмонларнинг устидан сочди. Хоҳлаганча танга сочиб, қолганини элчилар учун ерда турган сарпо кийимларининг устига тўқди. Шундан сўнг соҳибқирон уларга сарподаги тўнларни кийгизишни буюрди. Элчилар миннатдорчилик сифатида одатга кўра уч марта эгилиб таъзим қилдилар.

### *«Дилқушо»дан базм*

Соҳибқирон «Боғишамол»га яқин «Дилқушо» номли боққа кўчиб ўтиб, элчиларни туш вақти базмга таклиф қилди. Бу базмга узоқ жойлардаги қўшинларидан ҳам кўпгина жангчиларни чақиртирибди. Соҳибқирон жуда хурсанд ўринарди. Одатга биноан қўй ва от гўшларидан тайёрланган кўп таомлар келтирилди. Базмдан сўнг элчиларга тўн кийгизишди ва улар саройга яқин бўлган ўз қароргоҳларига қайтиб кетишди.

Бу байрамларга халқ шўнчалик кўп йиғилар эдики, уларнинг орасидан ўтиб бўлмас, фақатгина кузатувчи аскарлар йўл очсагина олдинга силжиш мумкин эди. Боғнинг олди катта майдон, унда дарё ва каналлар бор. Соҳибқирон завжалари билан келиб, чодирлар қуришни ва қўшин аскарларига ҳам атрофида чодирлар тикиб, ўз завжалари билан жойлашишига, тўй ва байрам маросимларини ўтказишга фармон берди. Соҳибқироннинг чодир қурилганидан сўнг каттаю кичик бирма-бир шовқин-сурон қилмасдан ўз чодирларини қуришди. Уч, тўрт кун ўтмасданок соҳибқирон чодир атрофида йигирма мингга яқин чодир тикилди.

Шунда ҳам ҳар кун одамлар келиб қўшиларди. Тумонат орасида қассоб ва ошпазлар қовурилган ва қайнатилган гўшларни, деҳқонлар

мева-чевасини, новвойлар нонларини сотишарди. Соҳибқирон ўрдасида қўли гул усталарни ҳам учратиш мумкин эдики, улар ҳар хил кўчаларга бўлиб қўйилган. Ҳаммомчилар ҳам сув иситадиган дастгоҳлари билан келишган.

Хуллас, жангларда ва шу каби йиғинларда улар ўзлари билан деярли барча касб эгаларини бирга олиб юришар, халқ бунга ўрганиб кетганлиги боис ўрдага келганида ҳамма ўз ўрнини биларди. Соҳибқирон элчиларни ўзига яқинроқ бўлишлари учун ўрдага яқин, ўзига қарашли боққа кўчириб олиб ўтишни буюрди.

### *Бозор. Катл*

Тўққизинчи октябрь пайшанба кун соҳибқирон набирасининг тўйи муносабати билан базм кечаси уюштирилганда кечага элчиларни ҳам олиб келишни буюрди. Маросим чиройли безатилган, атрофи чодир билан ўралган майдонда ўтказилди. Унда Бибиҳоним, Хонзода ва бошқа завжалар, мирзолар, яқин қариндошлар иштирок этди. Урф-одат бўйича кўпгина от ва қўй гўшлари меҳмонларга тортиқ қилинди. Шоду хурсандчилик узоқ давом этди.

Соҳибқирон бу маросимни бутун халққа эълон қилиб, худди сайилдек ҳамма ўрда атрофида хурсандчиликка шерик бўлишини буюрди. Бозорни ўрда атрофида кўчириб, шу ерда савдо-сотиқ қилишларини амр этиб, маросимни хурсандчилик, ҳазил-мутойиба билан қизиқарли ўтказиш кераклигини айтди. Фармонга биноан савдогар ва хўнармандлар шаҳардан чиқиб, ўрда атрофида жойлашдилар. Шу тарзда хурсандчилик давом этди.

Хўнармандлар қурган чодирлар атрофида соҳибқирон буйруғига биноан махсус майдон қурилди. Бу майдонга айб иш қилганлар чиқарилиб, кимларгадир раҳм қилинди, бошқа бировларга эса жазо берилди. Шу кун Самарқанднинг машҳур кишиси жазога лойиқ топилди. Темурбек 6 йилу 11 ой бўлмаган вақтда уни ўз ўрнига ҳоким этиб тайинлаб кетганди. Шу вақт мобайнида бу киши Темурбекнинг ишончидан фойдаланиб, ўз лавозимини суиистеъмол қилиб, кўп хатоликларга йўл қўйган. Соҳибқирон Самарқандга қайтиб келиши биланок, бу кишини олдига чақирди, мол-мулкни мусодара қилиб, унга жазо тайинлади. Шундай таниқли кишига бундай жазонинг берилиши ҳаммани ҳайратга солди. Чунки бу кишига соҳибқироннинг ўзи кўп ишонч билдирганди. Собик ҳокимнинг тарафини олганлар ҳам жазоланди. Темурбекнинг яқинларидан Бурундук мирзо бу кишининг кечирилишини сўраб, эвазига унинг тўрт юз минг кумуш танга товон тўлашини айтди. Ҳар бир кумуш танга бир кумуш реалга тенг эди. Соҳибқирон рози бўлиб, ундан кумуш тангаларини олди ва яна бойлиги бўлса, уларни ҳам олиш мақсадида уни қийнашга буюрди.

Темурбек яна бир таниқли кишини жазолади. Соҳибқирон Самарқанддан юришга чиқиб кетаётганда, унга 3 минг отни қолдириб кетган, қайтганида бу отлардан бир дона ҳам қолмаганди. Бу кишининг ялинишлари инobatга олинмади. Озроқ кутиб турилса, 3 минг отни 6 минг қилиб қайтаришини айтса-да, у жазодан халос бўла олмади.

Шундан кейин Темурбек яна бир қанча инсонларни жазолади. Бунга мисол қилиб, бозордаги бир неча қассобларни кўрсатиш мумкин. Улар Темурбек йўқ бўлган вақтда гўшларни ўз нархидан анча қимматга сотганлиги учун жазоландилар. Кейинроқ бозордаги хўнармандлар, этикдўзлар ўз молларини қиммат нархда сотаётганлигини билиб, уларнинг ҳам ортиқча даромадларини олиб қўйишни буюрди.

*(Давоми бор)*

**Испан тилидан Улуғбек ЖўРАЕВ таржимаси.**

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Марказий ҳарбий округ Илмий-тадқиқот марказида вилоят ички ишлар бошқармаси, округ ҳарбий қисм ва муассасаларнинг мустақил изланувчи ҳарбий хизматчилари билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Психология кафедраси мудири, психология фанлари доктори, профессор Дилбар Муҳаммедова ва илмий кенгаш аъзолари семинар-тренинг ўтказди.



Ушбу семинар-тренинг Марказий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони полковник Айбек Саидов ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, мустақил изланувчи ҳарбий хизматчилардан 14 нафари иштирок этди.

Тадбирда тадқиқотлар жараёнида учрайдиган муаммолар ва уларнинг ечимлари, изланувчилар учун зарур бўлган илмий маслаҳатлар берилди ва фикрлар алмашилди.

Шунингдек, меҳмонлар Қуролли Кучлар Кичик мутахассисларни тайёрлаш марказининг ўқув-тарбиявий жараёни, округда амалга оширилган инновацион лойиҳалар ва Илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан яқиндан танишишди.

**Контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар  
Хайрулло ЎЛМАСОВ, марказ пресс-атташеси**

Чирчиқ ҳарбий прокуратураси томонидан ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

## ВАТАНПАРВАРЛИККА ЙЎҒРИЛГАН САЁҲАТ

Жумладан, 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Чирчиқ шаҳрида жойлашган умумтаълим мактабларининг ўқувчи-ёшлари билан Тошкент шаҳрида жойлашган «Ғалаба боғи»га саёҳат уюштирилди.

Ўқувчилар «Шон-шараф» музейи, «Мангу жасорат» ва «Матонат мадҳияси» монументлари тарихий-бадиий экспозицияларини ўз ичига олган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси билан яқиндан танишдилар.

«Шон-шараф» музейи мутахассислари томонидан ўтказилган қизиқарли экскурсия давомида ўқувчилар Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлар томонидан кўрсатилган қаҳрамонлик ва жасоратлар тўғрисида кенг маълумотларга эга бўлдилар.



**Султонмурат КАЛЕНДЕРОВ,  
Чирчиқ ҳарбий прокурорининг  
катта ёрдамчиси**

## МУРОЖААТЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Самарқанд гарнизонида жойлашган ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучлар хизматчилари, ҳарбий пенсионерларнинг турли соҳалардаги мавжуд муаммоларини ўрганиб, ҳал этиш, ногиронлиги бўлган фарзандларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Унда Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари Сарвар Мухитдинов раҳбарлигида Самарқанд ҳарбий прокурори Одилжон Ўсаров, Марказий ҳарбий округ қўмондонлиги, вилоят соғлиқни сақлаш,

мактабгача таълим, халқ таълими, Давлат хизматлари агентлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.

Қабулда 55 та мурожаат қабул қилиниб, шундан 13 таси жойида қаноатлантирилди, 15 таси юзасидан қонунчилик талаблари бўйича тушунтиришлар берилди, 27 та ҳал қилиниши муддат талаб қиладиган мурожаатлар ижроси назоратга олинган ҳолда тегишли муассасаларга юборилди.



Жумладан, ҳарбий хизматчи Ф.А.нинг ногиронлиги бўлган фарзанди учун реабилитация мосламасига бўлган эҳтиёжи юзасидан қилган мурожаати жойида ижобий ҳал этилиб, зарур мослама билан таъминланди.

Тадбир якунида 5 та муҳим ташаббус доирасида китоб ярмаркаси ташкил этилди.

**Адлия майори Бахтиёр АХМЕДОВ,  
Республика Ҳарбий прокуратураси  
бўлим бошлиғи**

## ТУРМУШ ЧОРРАҲАСИ

Фазилат опа дарвоза кўнғироғини эшитиб, ўша томон юрди.

– Ҳо-о-зир, – оёғи оғриб турган аёл кетма-кет кўнғироқдан қадамни тезлатишга ҳаракат қилди.

Шундай пайтда невараларнинг ўрни билинади. Ҳаммаси ўқиш, иш билан банд. Қишлоқ бўлганда-ку «эшик очик, келаверинг», деган бўларди. Аммо шаҳарда бошқача, туну кун эшиклар берк, керакли пайтдагина очилади.

– Ки-им? – дарвозага яқинлашгач, сўради у.

– Мен... Клараман.

– Клара?

Жуда таниш исм. У шошилганча дарвоза эшигини очди. Эшик олдида ранглари уникқан ўттиз беш ёшлардаги жувон ва хушрўйгина ўсмир киз турарди. Ҳа, ўша Клара, бундан ўн тўрт йиллар аввал остонасидан ҳайдаган киз. Ушанда кенжа ўғли Ўткир уни таништиргани олиб келганди. Фазилат опа эса қабул қилмаган:

– Аҳмоқ бола, нима, онанг сенингча кўчадан етаклашиб келган ҳар қандай қаланғи-қасанғини келин қилаверадими?

– Она, у...

– Ўчир овозингни, остонамга қадам босмай туриб, ҳозирок кўзимдан йўқот!

– Отажон, биз никоҳдан...

– Нима-а?... – Фазилат опа ток ургандек бир зум тек қотди ва гурсиллаб ерга йиқилди...

Шу бўлди-ю, Клара қайтиб кўрмади. Кўп ўтмай ўғлини уйлантирди. Фақат Ўткир ўн йилга яқин фарзандга зор бўлди. Шундай армонли кунлардагина Фазилат опа Клара ўшанда ҳамилдор экани, қайларгадир бош олиб кетганини билди. Ҳозир Ўткирнинг иккинчи оиласидан ўғилчиси бор, ҳарқалай ҳаёти изга тушиб кетган.

– Келинлар, – жувоннинг саломига алик олар экан, савол назари билан қаради унга.

– Мен набирангизни олиб келдим.

– Набирам?! –

– Ҳа, Ўткирнинг қизи, исми Лайло.

Фазилат опа ранги ўзгарган кўйи, кутилмаган меҳмонларни ичкарига таклиф қилар-қилмаслигини билмай турган бир пайтда, жувон мақсадга ўтди:

– Мен қайтишим керак, фақат набирангизни қўлингизга топшириш учун келдим. Ўғлингиздан ҳамилдор бўлганимдан сўнг, оила қурмадим. Қизимнинг отаси мусулмон бўлгани учун мусулмонларга хос авайлаб катта қилдим. Лайло ҳозир ўн уч ёшда. Мен ҳаётимни қайта бошламоқчиман. Энди унинг тарбияси, келажаги сиз билан отаси қўлида.

Жувон Фазилат опадан жавоб кутмай, кўзлари ёшга тўла жавдираб турган қизини бағрига босди ва орқага бурилиб, тез-тез юриб кетди.

Бу воқеа тушида бўлаётгандек қарахт ҳолда турган Фазилат опа қизга қаради. Шундагина қалтираб турган қизча олдида каттагина сумка турганини кўрди. Унинг онасининг ортидан эргашмай сабр қилиб турганига қараганда қаттиқ сабоқ олгани кўриниб турарди. Эгнидаги кийим-кечаги эса ночор ҳаёт кечирганини англатарди. Сутга чайилгандек оппоқ қизнинг қош-кўзлари дадаси Ўткирнинг ўзгинаси эди.

Аслида бу кунни Фазилат опа анча аввал, ўғли биринчи рўзғоридан фарзанд кўрмай юрган пайтлари кутганди. Фарзандсизлик сабаби келини Дилдорада экани аниқлангач, Клара унинг кўз олдида бир неча бор ўтди. «Тўққан бўлса, қани энди боласини Ўткиримга ташлаб кетса», умид қилди у. Мўмин-қобил келинидан айрилишни истамади. Йўқ... тақдир экан, Фазилат опа хонадонини тарк этган келининг, ортидан юм-юм йиғлаганча қолди...

Ўткирнинг иккинчи хотини танноз ва шартаки Руқия билан эса чиқиша олмади. Ўша захоти рўзғорини бошқа қилиб чиқариб юборди. Мана, бир пайтлар кутган набира кутилмаганда остонасида турибди. Айни фурсатда уни қабул қилмасликнинг иложи йўқ. Аммо ўғли нима дер экан?..

– Лайло менинг қизим, – унинг ҳужжатларига термилган кўйи тан олди Ўткир. – Клара тўққандан кейин боланинг отаси эканимни ёздириб, уни туғуруқхонадан олиб чиққанман. Исмини ўзим қўйганман. Лекин бу ҳақда Дилдоранинг билишини истамадим. Шундан кейин Клара қайтиб кўрмадим. Боладан хабар олай деб бир неча бор изладим, суриштирдим, аммо у ном-нишонсиз ғойиб бўлганди.

Ўткир қизига гуноҳкорона термилди.

– Лайло, катта бўлиб қолибсан. Сизларни излаб тополмадим, онанг буни истамади чоғи.

– Биламан, тўғриси, кейин билдим, – ўзбек тили талаффузини бир оз ўзгартирган ҳолда майин жавоб қайтарди Лайло. – Мен сўра-

– У нима деганинг? Биринчидан, иложи борица яқинимизга берамиз. Биздан бошқа кими бор унинг. Онаси ташлаб кетганча, қайтмади. Сени топди-ю, уни йўқотди. Шундоғам кўнгли ўксик. Менинг бағримда ҳам яйраб-яшнаб улғайди, деёлмайман. Кеннойларингнинг нописандлиги, жиянларингнинг турткилаши...

– Ҳаммасини биламан, ойи, – хўрсинди Ўткир ака.

– Шундай бўлса-да, меҳрли бўлиб улғайди у. Биласан, айниқса, сени жуда яхши кўради. Яқинга берсак, сендан тез-тез хабар олиб туради. Мен-ку ёшимни яшадим, бугун борман, эртага йўқ. Қизинг сенга жуда меҳрибон, эрта келиб керак бўлади сенга.

– Лайло қиз бола бўлса, ўзи билан ўзи тинч бўлгани катта гап. Менга келсак, ўғлим бор, кунимга ўша ярайди, ўша қарайди. Шунинг учун ўзига ёққан йигитга узатаверамиз...

\*\*\*

– Қизим, қаердасан? Бир оз мазам бўлмаяпти, – телефонда базўр аҳволини тушунтирди Ўткир ака.

– Дада, нима бўлди, қаерингиз безовта қияпти? – шошиб қолди Лайло. – Ҳозир етиб бораман...

Тана ҳарорати кўтарилиб, оғриқдан вужуди қақшаб

ётган Ўткир ака қизининг муолажалари билан ўзини яхши ҳис қила бошлади. У тайёрлаб берган маставани тановул қилар экан:

– Қизим, мен анча яхшиман, энди уйингга бор. Болаларингдан хавотирдаман, – деди хансираган кўйи. – Сен бўлмасанг, нима қилардим, билмадим. Бувинг бекорга яқинимга узатмаган экан.

– Сиз болалардан хавотир олманг, дадажон, – отасини тинчлантирди Лайло. – Набиранларингиз катта бўлиб қолишган-ку. Ҳозир дадалари билан келиб қолади. Мазангиз йўқлигини куёвингизга айтганман.

– Сени кўп қийнадим, болам. Куёвга ҳам раҳмат, ўғил қатори бўлди. Бу ҳам сенинг шарофатинг билан. Руқия Темурнинг олдида келиб қолар. Яқин бир йил бўляпти, ахир. Кўпчиликнинг ўғил-қизи хорижда ўқияпти, ишляпти. Ҳеч ким боласининг олдида бориб ётиб олгани йўқ-ку! Руқия буни тушунмайди, «ёлғиз болам, усиз туролмайман», деб Темур билан овора.

– Дада, кўп мазангиз қочаяпти, аслида сиз ёлғиз қолишингиз мумкин эмас. Инсулт бўлмаганингизда ҳам майли эди. Шунинг учун Руқия онам келгунича ёнингизда бўламан.

– Куёв нима дер экан?

– У мени тушунади, йўқ демайди...

Орадан бир ҳафта ўтиб, Руқия хориждан телефон қилди:

– Дадаси, бизга шошилинч пул керак. Темурнинг бошига ташвиш тушди.

– Тинчликми, нима бўлди? – юраги гурсиллаб ура бошлади Ўткир аканинг.

– Тинчлик, фақат пул билан ҳал бўладиган иш. Уйни сотиб, тезда пулини жўнатиб юборсангиз бўлгани.

– Уйни сотсам, мен қаерда тураман?

– Қаерда бўларди, қизингиз билан турасиз. Мен ишга кирдим, пул қилиб борсам, янги уй оламан...

Ўткир аканинг хотини ҳам, ўғли ҳам хориждан қайтмади. Умрининг сўнгига қадар қизи Лайло унга ғамхўрлик қилди. Набиралари ўғлининг ўрнини босди. У бу дунёни тарк этиш олдида бир сўзни кўп тақорлади:

– Қизим, сен ҳаётимга фаришта бўлиб кириб келдинг. Юз ўғилдан аёло фарзанд бўлдинг. Сендан розиман...



(воқеа ҳикоя)

# ЛАЙЛО

ганим учун у сиз ҳақингизда кўп гапириб берарди. Фақат «дадамга олиб боринг», деб хархаша қилсам, «у узоқларда, хорижда ишлайди, ҳадемай қайтади», дерди. Сиз билан кўришишни узоқ кутдим, дада, – унинг нигоҳларида отасига бўлган меҳр товланиб турарди.

– Энди ёнимда бўласан, қизим, ажралмаймиз.

– Ўғлим, уни бозорга олиб бориб кийинтиришимиз керак, – ота-боланинг суҳбатига қўшилди Фазилат опа. – Кийим-кечакларини янгиламасак бўлмайди.

– Сиз нима десангиз шу, эртагаёқ бозорга борамиз.

– Кейин, у мен билан турса, яхши бўларди. Хотининг Лайлони қандай қабул қилади, билмадим. Менинг олдимда турса, тилимизни, урф-одатларимизни яхшилаб ўргатаман. Қариндош-уруғлар билан таништираман.

– Ўзи нима дер экан? – улар Лайлога қаради.

– Озгина... бир муддат бўлса ҳам сиз билан...

– Сени тушундим, қизим. Эртага бозор қилиб келганимиздан кейин бизникига борамиз. Уканг Темурни кўрасан, у ҳозир икки ёшда. Кейин қаерда туришингни танлайсан. Бувинг билан яшасанг ҳам ҳар куни кўришиб тураман.

Лайлонинг болаларга хос мулоим чеҳраси очилди ва кутилмаганда дадасининг олдида келиб, маҳкам қучоқлади. Кўзларига ёш тўлди. Бу ҳолатни кўриб, Фазилат опа унсиз йиғлар экан, қизининг отасиз ўсганига ўзини айбдор ҳис қилиб турарди.


Лайло отасиникида кўп қолмади, бувисининг олдида қайтди. Ўғай онаси Руқия уни хушламади. Фарзанд эмас, хизматкордек қабул қилди. Шундай бўлса-да, укаси Темурга тез меҳри тушди. Руқиянинг жеркишларига қарамай, уни тез-тез кўргани борарди...

\*\*\*

– Она, чақиртирган экансиз, – кечга томон Фазилат холанинг олдида келган Ўткир ака онасига юзланди. – Тинчликми?

– Тинчлик, ўғлим, чақирганим боиси совчилар қизингни сўраб қўймапти. Лайло ўн тўққизга тўлди, ҳамшираликни эгаллади. Чевар-чечан, чаққон. Қаерга келин бўлса ҳам раҳмат олиб беради қизим. Совчиларни танлаш, суриштириш энди сенинг ихтиёрингда.

– Қизиқсиз-да, ойи. Йигит томон сизга, Лайлога ёқса бўлгани.



Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»

# 85 ФОИЗЛИК МАРРА

Ҳаётимиз давомида минглаб ҳодисаларга гувоҳ бўламиз, турфа тақдирларни кузатамиз. Орамизда шундай инсонлар борки, ҳеч қачон яхшилик қилишдан, эзгулик улашишдан чарчамайди. Ҳозир сўз юритмоқчи бўлган қахрамонимиз ҳам ана шундай фидойилардан бири.

Хусниддин Ўсаров 1968 йили Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. 1975 йилда ота юрти – Самарқанд вилояти Иштихон туманига қайтади. 1990 йилдан 1995 йилга қадар Ангрен педагогика институтида, 1997 – 2001 йилларда эса Самарқанд давлат университетининг Юридик факультетида таҳсил олди. 1995 йилдан то 2011 йилгача она Ватан тинчлиги, фуқаролар хотиржамлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилди ва подполковник ҳарбий унвони билан нафақага чиқди.

Кўпни кўрган Хусниддин ака нафақага чиққач, уйда ўтириб қолишни ё бўлмаса умрининг қолган қисмини чойхонада ёнбошлаб ўтказишни истамади. У 2013 йилда Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги абитуриентларни олий таълим муассасаларига тайёрлайдиган мактаб андазасига мослаб ўз шаҳрида ўқув марказига асос солди. Ўқитувчиларни қатъий танлов асосида ишга қабул қилди. Ўқувчиларга ҳам зарурий талаблар

қўйилди. Бир сўз билан айтганда, марказда ҳарбий тартиб-интизом ўрнатилди. Абитуриентлар дарсликлар ҳамда тураржой билан таъминланди. Улар учун алоҳида кун тартиби жорий этилди.

Интизом ва қатъий қоидаларга асосланган тайёрлов курслари тез орада ўз самарасини бера бошлади. Дастлабки йилда эришилган натижа 50 фоизни ташкил этди. Кейинчалик кўрсаткичлар аста-секин ошиб бораверди. Натижа 2015 йилда 82, 2016 йилда эса 85 фоизни ташкил этди. Ҳозирги кунда ушбу ўқув маркази республикамиздаги энг етакчи тайёрлов муассасалари қаторида тилга олинмоқда.

Жиддий соҳа вакили бўлган қаттиққўл инсон учун ёшлар билан ишлаш қийинчилик туғдириши мумкин. Бироқ улкан сабр-тоқат ва етук ҳаёт тажрибаси ҳеч қандай камчиликларга ўрин қолдирмади. Инчунин, шундай ҳикмат бор: «Дунёни ўзгартирмоқчи бўлсанг, ўзингдан бошла». Қахрамонимиз ҳам айнан шундай йўл тутди. Зиёли қатламни шакллантиришни ўз фарзандларидан, ўз тумани ёшларидан бошлади. Бугунги кунда унинг ўқув маркази ўқувчиларини юртимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган салоҳиятли кадрлар сафида кўришимиз мумкин.

Сўнги бир неча йиллар давомида қандли диабет касаллигига қарши курашиб келган Хусниддин Ўсаров 2020 йилнинг сентябрида коронавирус пандемияси туфайли ҳаётдан кўз юмди. Хусниддин ака ўшанда охириги бор жонажон ўқувчиларини юртимизнинг нуфузли олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилингани ҳақидаги хабарни эшитган эди. Ана шу бахтли инсонлар қаторида мен ҳам бор эдим.

**Барчиной СИНДАРОВА,**  
ЎзЖОКУ ҳарбий журналистика  
йўналиши талабаси

## АДАБИЁТГА МУҲАББАТНИ ЮКСАЛТИРДИ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигига қарашли ҳарбий қисмда Махтумқули таваллудининг 288 йиллигига бағишланган китобхонлик кечаси бўлиб ўтди.



Самимий руҳда ўтган тадбирда ҳарбий ҳизматчилар Махтумқулининг Ватан ва ватанпарварлик туйғусини тараннум қилувчи шеърларидан парчалар ўқишди. Сержант Қобил Юнусов, Нормуротжон Қўзиёв ижодкорнинг жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималари хусусида фикр билдиришди, ҳикматларининг маънавий қиммати ҳақида сўзлашди.

Ҳарбий хизматчилар қалбида адабиётга, шеърятга бўлган муҳаббатни юксалтиришга ҳисса қўшган мазкур тадбир Махтумқули шеърларидан иборат баҳру байт билан якунланди.

**Умида ЮСУПОВА,**  
Қуролли Кучлар хизматчиси

Ҳар бир фаслнинг ўзига яраша жозибаси бўлгани сингари ёзнинг иссиқ тафти ҳам инсонларни соя-салқинлик сари чорлайди. Бунда замонавий совиткич ўрнатилган хонада дам олишга, муздек салқин ичимлик ичишга ёки бўлмаса ҳузурбахш сувда маза қилиб чўмилишга нима етсин.

Бироқ чўмилишнинг ҳузурбахшлиги билан бир қаторда, ҳар йили дунё бўйлаб 300 минг нафарга яқин инсон мана шу ҳузур истагида белгиланмаган жойларда чўмилишлари оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмаётганлиги ёки бўлмаса ҳар йили кемалар сувга чўкиб, кўп сонли кишиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмиши одамни ўйга толдиради.

Ёшлар ўртасида юзага келаётган сувдаги ҳалокатларнинг аксарияти уларнинг назоратсиз қолдирилиши ва ўзбошимчаликлари оқибатида содир бўлмоқда. Статистик маълумотларга кўра, кейинги 5 йил давомида сувда чўкиб ҳалок бўлган ёшларнинг 95 фоизи ота-оналари томонидан назоратсиз қолдирилганлиги ҳамда ўзбошимчилик билан белгиланмаган ва тақиқланган жойларда чўмилиши оқибатида содир бўлган. Асосан катта ёшдаги фуқаролар-



нинг сувга чўкишларига уларнинг спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, маст ҳолда чўмилиш учун сувга тушишлари сабаб бўлмоқда.

Ҳолатларнинг деярли 99 фоизи белгиланмаган ва чўмилиш рухсат этилмаган жойларда қайд этилган. Бу каби жойларга Оқдарё, Қорадарё, Зарафшон дарёлари, Каттақўрғон, Оқдарё, Тўсинсой, Қорасув ва Қоратепа сув омборлари ҳамда Дарғом, Булунғур, Шаҳоб, Хатирчи-Миёнкол, Туятортар, Мирзаариқ, Каттақўрғон, Нарпай ва Сиёб каналлари, шунингдек, Янгиариқ каби йирик ариқлар қиради. Мазкур сув объектлари қишлоқ хўжалигида мелiorация тадбирлари учун сув етказиб бериш мақсадида барпо этилган. Бу жойлар чўмилишга мўлжалланмаган. Чунки сув оқими жуда тез, баъзи жойларда кескин, чуқурлик тик ва ботик, сув ости нотекис ва номаълум, кўриш

## ОДДИЙ ҚОИДАЛАР –

## ҲАЁТИНГИЗ ХАВФСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ

даражаси жуда паст, қирғоқлари беқарор, энг асосийси ёрдам беришга шай турадиган кутқарувчилар ёки кутқарув асбоб-анжомлари билан жиҳозланмаган.

Шу сабабли бу каби очиқ сув ҳавзалари ҳаётингиз учун хавфлидир. Яна бир нарса, сузишни билиш хавфсизликка кафолат бўла олмайди.

Азиз юртдошлар, сув ҳавзаларида фуқароларнинг чўкиб ҳалок бўлишлари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидаги оддий қоидаларга амал қилинг:

- ➔ ҳеч қачон белгиланмаган жойларда (дарё, сой, кўл, сув омбори, канал ва ариқ) чўмилманг;
- ➔ «Чўмилиш тақиқланади» махсус белгиларига қатъий амал қилинг;
- ➔ ёзги таътил даврида болаларнинг белгиланмаган жойларга чўмилишга боришларига йўл қўйманг;
- ➔ ёш болаларни назоратсиз қолдирманг;
- ➔ спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, чўмилишга борманг;
- ➔ фақатгина чўмилиш рухсат этилган махсус сув ҳавзаларида чўмилинг.

**Подполковник Фурқат ХУДОЙНАЗАРОВ,**  
Тарбиявий ва мафкуравий ишлар  
бош бошқармаси



1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

# ИСТЕЪДОДЛАР ЮЗАГА ЧИҚДИ

Болаларнинг қувноқ кулгиси, самимийлик уфуриб турган сўзлари, хатти-ҳаракатлари ҳар қандай инсонга завқу шавқ бағишлайди. Шундай дамда уларга қараб, болалик чоғларимизни, ғам-ташвишсиз пошшолик давримизни кўсаймиз ва бир муддат бўлса-да ўша беғубор кунларга қайтишни истаймиз. Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказилган «Мен янги Ўзбекистоннинг бахтли фарзандиман» номли тадбирга ташриф буюрган инсон борки, кўнглидан ана шундай ажиб ҳислар кечди, десак, янглишмаймиз.


Дастлаб марказий аппаратда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг фарзандларига республика олий таълим муассасаларига ўқишга киришлари учун имтиёзли тавсияномалар тантанали равишда топширилди. Шундан сўнг йиғилганлар эътиборига ҳарбий хизматчиларнинг иқтидорли фарзандлари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Ҳақиқий байрам бўлди. Чор атроф болажонларнинг шодон ўйин-кулгисига тўлди. Дилтортар кўшиқлар жозибадор рақсларга уланди.

Концерт дастури давомида нафақат санъатга меҳри баланд ўғил-қизлар, балки спортчи болажонлар ҳам ўз кўргазмалари чиқишларини барчанинг эътиборига ҳавола қилди.



Баҳром АБДУРАҲИМОВ



Кичик сержант Элдор Абдуллаевнинг фарзанди Ҳадича Абдумавлонова эндигина 8 ёшни қарши олган. Уни қарангки, кичик жуссали бу қизалоқ «savat» спорт тури билан шуғулланади. Унинг бу борада шу кунгача эришган ютуқларини бошқа тенгдошларига ўрнатиб қўйиб кўрсатсақ арзийди. Зеро, Ҳадича жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон чемпиони, деган шарафга эришиб, жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритган. Спортчи қизалоқнинг тренера Абдулатиф Абдуллаевнинг айтишича, Ҳадичадаги иқтидор, интилувчанлик унга жаҳон чемпионатида ҳам юксак муваффақият келтиради.

Яна бир спортчи қизалоқ подполковник Нурлан Жаҳонбековнинг фарзанди Анеля Турабекова бўлади. У томошабинларга бадиий гимнастика спорт тури кўри-нишларини намойиш қилди.

Кейинги суҳбатдошимиз – капитан Акбар Азимовнинг фарзанди Амирбек Амриллов бўлди. Амирбек Чирчиқ шаҳридаги 7-сонли мусиқа мактабида таҳсил олади. Концерт давомида у кўшиқ куйлаш билан бирга томошабинларни қизиқчилик санъатидан ҳам баҳраманд қилди.

– Мумтоз кўшиқчилик санъатига меҳрим баланд, – дейди Амирбек. – Шундай кўшиқларни мароқ билан тинглайман.

Мен ҳам келажакда етук санъаткор бўлиб, миллий кўшиқчилик санъатимиз довуғини дунёга танитсам дейман.

Ҳа, шу кунни ўндан ортиқ ўғил-қиз бир-бирини такрорламас чиқишлари билан кўнгишларни хушнуд этди. Энг асосийси, ушбу тадбир янги-янги ижодкорларни кашф этгани, уларнинг иқтидорини юзага чиқаргани билан қимматли бўлди.



Г. ТУРСУНБОВА

ИМТИЁЗ

## ТАВСИЯНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасида бир гуруҳ соҳа ходимларининг фарзандларига олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун қўшимча имтиёз берадиган тавсияномалар топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари адлия полковниги Баҳодир Худайбердиев прокурор-тергов ходимлари фарзандларига тавсияномаларни топширди.

– 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг ҳарбий прокурор-тергов ходимлари фарзандларига берилган тавсияномалар асосида кўплаб

оилаларга қувонч улашилган эди. Ҳозирда уларнинг барчаси квота асосида юртимиздаги нуфузли олий таълим муассасаларида таҳсил олмоқда, – дейди адлия подполковниги Шерзод Хайитов. – Уйлаймизки, жорий йилда



Муаллиф суратга олган

ҳам ушбу хайрли анъана давом этиб, эртанимиз давомчилари кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имкониятлардан унумли фойдаланишда ҳамда юрт тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшадиган мутахассислар бўлиб етишади.

– Юртимизда машаққатли касб эгалари бўлмиш ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларига кўплаб имконият ва имтиёзлар берилмоқда. Олий таълим муассасасига квота асосида ўқишга кириш имтиёзини берувчи тавсиянома биз – фарзандлар учун энг катта совғадир, – дейди адлия подполковниги Отабек Ҳайдаровнинг ўғли Нурмуҳаммад Илҳомов. – Бу имтиёзни, албатта, қарзга берилган бир имконият деб қабул қиламиз. Буни яхши таълим олиб, жамият учун керакли кадр бўлиш билан узишни ният қилдим.

Ш. ШАРИПОВ

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

# «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

Шу ном билан Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгашида матбуот анжумани ўтказилди. Унда матбуот, телевидение, радио мухбирлари, ижтимоий тармоқлар вакиллари, блогерлар иштирок этди.



Баҳром АБДУРАХИМОВ

Анжуман аввалида Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марказий кенгаши раиси Хусан Ботиров ташкилотнинг ўқув-спорт техника клубларида, курсларида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилиш ҳамда касбга тайёрлаш, бунинг учун яратилган шароитлар, ўзгариш ва янгиликлар тўғрисида ба-

тафсил маълумот берди. Журналистлар ёшлар тарбияси ва уларни касбга ўқитишда амалга оширилаётган ишлар, унинг самараси, сифати, ташкилот маблағлари нималарга сарф этилаётгани, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар, ҳайдовчиларнинг тайёргарлиги бўйича кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Ташкилот зиммасига «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурида юклатилган ёшларни меҳнат бозорида талаб қўри бўлган касбларга ўқитиш вазифаси уч босқичда, яъни ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, техник хизмат кўрсатиш мутахассисларини тайёрлаш, мураккаб техникаларни бошқариш мутахассисларини тайёрлаш курсларида амалга оширилмоқда. Ташкилот жамоаси «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилган ёшлар ва эҳтиёжманд оилалар фарзандларини оммавий техник касбларга имтиёзли асосда ўқитилишини Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда йўлга қўйди.

Бугунги кунда ташкилотнинг ўқув-спорт техника клубларида 10 минг нафарга яқин ёш ўзлари қизиққан спорт турлари билан мунтазам шуғулланишмоқда. Жорий йилдан улар учун денгиз кўпкураши, хизматчи итлар ва ҳарбий-амалий кўпкураш спорт турлари билан шуғулланиш имконияти ҳам яратилди. Шунингдек, автомобилотранспорт ҳайдовчиларини тайёрлаш курсларида таҳсил олаётган ёшлар картинг, триатлон, дуатлон, пневматик қуролдан ўқ отиш каби спортнинг техник ва амалий турларига жалб қилинмоқда.

Фурқат ЭРГАШЕВ



## ЎЙИНЛАРНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

## БОЛАЛАРГА БЕРИНГ ДУНЁНИ

Уларга дунёни беришдан аввал, уларнинг дунёси билан ҳам қизиқайлик!

Барчамиз ҳам болалик даврида турли хил ўйинларни ўйнаб катта бўлганмиз. Ёшимиз улғайиб, кўча-кўйда болаларнинг ўйинларини кузатиб, завқланамиз. Аммо ўша ўйин фаолияти болаларнинг психик ривожланишига қай даражада таъсир кўрсатиши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Илк болалик ёшидаги болаларнинг энг асосий фаолиятларидан бири ўйин фаолиятидир. Бу фаолият туфайли боланинг психик жиҳатдан ўсишида жиддий ўзгаришлар юз беради. Боғча ёшидаги болаларни ўйиндан бошқа йўл билан камолга етказишни тасаввур этиш қийин. Психологлар болалар ўйин фаолиятининг моҳиятини илмий нуқтаи назардан тушунириб берганлар. Маълумки, боланинг ёши улғайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари унинг атрофидаги нарса ва ҳо-

дисалар дунёси ҳам кенгайиб боради. Бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сифадиган нарсалар билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган кучи етмайдиган жараёнлар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади. Бунинг натижасида болаларда ҳаддан ташқари тез ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасида кескин қарама-қаршилик юзага келади. Бу қарама-қаршилик фақат биргина фаолият, яъни боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин.

Буни шу билан изоҳлаб бериш мумкинки, биринчидан, боланинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас, чунки болаларни ўйинга ундовчи сабаб ўйиндан келиб чиқадиган натижа билан эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмуни билан боғлиқдир. Иккинчидан, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни уларни қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб, эркин фаолиятда бўладилар. Шундай қилиб, болалар атрофидаги катталар

учунгина мансуб бўлган, ҳали ўзларининг кучлари ҳам етмайдиган жуда кўп нарсаларни ўйин орқали ўзлаштирадилар.

Боғча ёши даврида болалар ўйинлари ичида ҳаракатли ёки қоидали ўйинлар ҳам муҳимдир. Чунки ҳаракатли ўйинлар болаларни жисмоний жиҳатдан чиниқтиради, уларни дадил, қўрқмас, эпчил бўлишга ундайди. Ўйин фаолияти болаларни индивидуал равишда ўрганиш имконини беради. Айрим болалар жамоавий бўлиб ўйнашни ёқтирадилар. Бу боланинг умумий психологик тараққиётига таъсир этади. Шунинг учун бола тарбиячилари уларни жамоавий ўйинларга тортишлари керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бола шахсида психик ривожланиш меъёрида бўлиши унга ўз вақтида ўйин фаолияти учун шароит яратиб бериш билан бўлади. Шу боисдан ҳам бундай ҳолатга эътиборсиз бўлманг. Зеро, фарзанд келажаги ота-онанинг унга бўлган муносабати билан белгиланиши мумкин.

Нигора АЛЛАНОВА,  
Пахтачи туманидаги 3-сонли МТТ мудири



Муаллиф суратга олган

## БУЮКЛАР ҲАЁТИ – ИБРАТ МАКТАБИ

Қуролли Кучлар академиясида Республика Маънавият ва маърифат Маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсонийлик қутқаради» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда Мудофаа вазирлиги тизимидаги тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари, курсантлар, Ҳарбий хавфсизлик ва давлат мудофааси факультети тингловчилари ҳамда академия профессор-ўқитувчилари иштирок этди. Миллий қадрият ва анъаналар асосида ҳарбий хизматчиларда мардлик, матонат, инсонийлик, меҳр-шафқат, бурчга садоқат каби маънавий-ахлоқий фазилатларни янада юксалтириш, буюк давлат арбоблари, саркардалар жасорати ва ҳарбий меросини ўрганиш анжуманининг асосий мақсади сифатида намоён бўлди.

– Қуёш ҳамма жойда бир хил нур сочади. Лекин бир жойда янтоқ, бир жойда гул ўсади, – дейди Маърифат тарғиботчилари жамияти аъзоси, филология фанлари номзоди, доцент Раҳимбой Жуманиёзов. – Нодонлик жоҳилликнинг укаси, билиб-билмай ҳар нарсани гапирадиган инсонлардан узоқроқ бўлавериш керак. У одам «менинг бу мавзуда гапиршга илмим борми?» деган саволни ўзига ҳеч қачон бериб кўрмайди. Киши бундай сўхбатларга ажратган вақтини фойдали машғулотларга сарф этса, нафақат ўзи учун, балки жамият учун ҳам фойдали бўлади.

Тадбир сўнггида ташкилотчилар томонидан таклиф этилган меҳмонларга академия раҳбариятининг ташаккурномалари топширилди.

Шалола ШЕРАЛИЕВА



Оилада меҳр ва муҳаббатга пуёла муҳитни бунёд этиш, фарзандларнинг сизга бўлган ишонгини ошириш ва ўз яқинларини севишга ўргатиш асосан аёлларимиз зиммасига тушади. Бунда психолог тавсияси сизга қўл келади.

# Оилавий муносабатлар...

● НУТҚИНГИЗДАГИ ҚЎРҚИТУВЧИ ВА БОСИМ ЎТКАЗУВЧИ СЎЗЛАРНИ УНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ СЎЗЛАРГА АЛМАШТИРИНГ.

● БОЛАЛАРИНГИЗГА ЯГОНА, КАТТА, ЎРТАНЧА, КИЧКИНАЛИГИНИ ЭСЛАТИБ ТУРИШДАН ҚОЧГАН ҲОЛДА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШИНГ.

● БОЛАЛАРИНГИЗ БИР-БИРЛАРИ БИЛАН ЮҚОРИ ОҲАНГДА ВА «МАЗАХ» ҚИЛГАН ҲОЛДА МУНОСАБАТДА БЎЛИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ.

● БИР-БИРИГА ТИРГАК БЎЛАДИГАН, ҲАММА БИРДЕК ЎСАДИГАН ВА РИВОЖЛАНАДИГАН ҲАҚИҚИЙ ОИЛАВИЙ ЖАМОАНИ БАРПО ҚИЛИНГ.

● ФАРЗАНДАРИНГИЗНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШНИ ЎРГАНИНГ. УЛАРНИНГ ҲИССИЁТЛАРИ, ХОҲИШЛАРИ, ОРЗУЛАРИ ВА ҲАТТО СИЗ УЧУН ЭРИШ ТУЮЛАЁТГАН ФИКРЛАРИНИ ҲАМ ИНОБАТГА ОЛИНГ.

● ЎЗ ҲИССИЁТЛАРИНГИЗНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН БЎЛИШИНГ ВА УЛАРНИ ФАРЗАНДАРИНГИЗГА ТЎҒРИ ЕТКАЗИНГ.

● ОИЛАНИНГ ҲАР БИР АЪЗОСИДА ЎЗИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ВА БАХТ ҲИССИНИ, БОЛАЛАРДА ЛИДЕРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИНГ.

● БИР-БИРИНГИЗГА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАР ФАРЗАНДИНГИЗ УЧУН НАМУНА.

● ФАРЗАНДИНГИЗГА АКА-УКА ЁКИ ОПА-СИНГИЛЛАРИ БИЛАН СОЛИШТИРГАН ҲОЛДА БОСИМ ЎТКАЗМАНГ.

● ФАРЗАНДАЛАР ХАТОСИНИ ТОПИШ ВА УНИ ТУЗАТИШДАН ОЛДИН УНДАГИ БОР БЎЛГАН ЯХШИ ХИСЛАТЛАРНИ КЎРА БИЛИНГ. ТАНҚИДНИ ЧИРОЙЛИ ҚИЛИБ, БОСИМЛАРСИЗ АМАЛГА ОШИРИНГ.

## Гўзаллик учун

### 15 дақиқа

Ушбу сонда ёзнинг жазирама кунларида асқатадиган маълумотларни келтирамыз. Ёз ойларида иложи борича таркибда мойчечак ва бодринг бўлган тозаловчи воситалардан фойдаланинг. Қуёш нуридан терингиз куйиб, унда қизариш ва ачишиш ҳолатлари кузатилса, қуйидаги ниқоблардан фойдаланиш самара беради.

● Бир боғ петрушкадан дамлама тайёрлаб, тозаланган юз терисини артинг.

● Алоэ шарбатини юзингизга суриш ҳам яхши натижа беради.

● Ёғсиз сузма ёки қатиққа толқон солиб, 15 дақиқа юзингизга суринг.

● Бодрингни қирғичдан чиқариб, юзингизга суриш ва устидан мойчечак дамламасида намланган докани ёпинг. Ниқобни 15-20 дақиқага қолдиринг.

## Салқин ичимликлар

Ёзда ҳаётимизни салқин ичимликларсиз тасаввур қила олмаймиз. Уй шароитида ўз қўлингиз билан салқин ичимликлар тайёрлаб ичиш соғлиқ учун фойдали, ҳам унинг ўз гашти бор. Қуйида сизлар учун салқин ичимликлардан бир жуфтани келтирамыз.

### Мохито

Бунинг учун 2 дона лимон, ялпиз барглари, Sprite ичимлиги ва муз бўлаклари керак бўлади. Аввал 1 та лимоннинг пўстини артиб, уруғларидан ажратамыз. Кейин уни ялпиз барглари ва озгина Sprite билан блендрда эзиб оламиз. Иккинчи лимонни парракларга бўлиб, муз бўлаклари билан графинга жойлаймиз. Ялпизли аралашмани ҳам графинга солиб, қолган Sprite ичимлигини қуямиз. Хоҳишга қараб, ялпиз барглари билан безатиш мумкин.

### Лимонад

Лимонад тайёрлаш учун 5-6 дона лимон, 1 ст шакар ва сув керак бўлади. Лимоннинг устки пўстини қирғичдан чиқариб (лимон цедраси), шакар билан аралаштиринг. Бироз илиқ сув солиб, шакарни эритиб оласиз. Кейин аралашмага 5-6 ст сув соласиз (ҳар битта лимон учун 1 ст сув солинади). Сузгичда сузиб, графинга солинг ва мевалар билан безатинг.

Саҳифани Мустура ҚУРБОНОВА тайёрлади.

# ФРАНЦИЯНИНГ ХОРИЖ ЛЕГИОНИ



Қуролли Кучларни бутлашнинг дунёнинг бир қатор мамлакатларида анъанавий тусга кирган усули – бошқа давлатлар фуқароларини ҳарбий хизматга ёллаш қадимги даврлардан буён маълум бўлиб келган. Бундай аскарлардан ташкил топган бўлинмалар легион, деб номланган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, легион – Қадимги Рим империяси қўшинларининг асосий ташкилий ва тактик бирлиги (4,5-10 минг кишидан иборат бўлган) ҳисобланган. XV–XVIII асрларда Англия, Испания, Франция, Польша, Буюк Британия, Германия ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида ёлланма аскарлардан фойдаланиш усули кенг қўлланган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги даврга келиб ҳам армияни бутлаш масаласига бундай ёндашув нафақат ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки дунёда юзага келган кескин ва тез ўзгарувчан вазият сабабли янада ривожланиб бормоқда. Бир қатор мамлакатларда фуқаролар (асосан хорижликлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар)ни танлаб олиш ва ҳарбий йўналишда тайёрлаш билан шуғулланувчи махсус ташкилотлар фаолият олиб бормоқда.

Хусусан, Франциянинг хориж легиони 1831 йилнинг 31 мартда қирол Луи Филипп I Орлеанскийнинг махсус фармони асосан тузилган. Ўша даврларда қирол Луи ўзининг асосий вазифаларини бажариш, биринчи навбатда давлат хазинасини тўлдириш мақсадида Шимолий Африканинг бой мамлакатларини босиб олиш учун асосан ёлланма аскарлардан фойдаланган ва бунда Рим империясида тузилган легионлар тажрибаси ҳисобга олинган.



Ҳозирги вақтда Франция Қуролли Кучларининг муҳим бўғинларидан бири ҳисобланувчи хориж легиони фаолияти давлат қонунлари, ҳукумат қарорлари, мудофаа вазирининг буйруқлари, шунингдек, халқаро шартнома ва битимлар орқали тартибга солинади. Франция ҳукумати томонидан 2008 йилнинг 12 сентябрида қабул қилинган «Хориж легиони ҳарбий хизматчилари тўғрисида»ги қарор бу борадаги асосий ҳужжат ҳисобланади. 2001 йилда мамлакат мудофаа вазирининг буйруғи билан амалга киритилган «Хориж легиони тўғрисида низом»да белгиланганидек, Қуруқликдаги қўшинлар таркибига кирувчи легион қўмондонлик, жанговар қисмлар, муҳандислик таъминоти қисмлари ва ўқув бўлинмаларидан ташкил топган (қўмондонликдан ташқари, умумий сони 7,7 минг кишини (улардан 300 нафарга яқини офицерлар) ташкил этувчи 9 та полк ва алоҳида батальондан иборат.

Легионнинг жанговар қисмлари ва жанговар таъминот бўлинмалари таркибига «ярим бригада» (полк) (тарихий «ярим бригада» номи унинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки тўғрисидаги хотира сифатида сақлаб қолинган), зирҳли кавалерия, мотопиёдалар, парашют-десант полки ва иккита муҳандислик полки, шунингдек, денгиз ортидаги ҳудудларда жойлашган қисмлар (алоҳида пиёдалар полки ва алоҳида пиёдалар батальони) киради. Мамлакат ҳудудидаги ҳарбий бўлинмалар Франциянинг жанубий қисмида – Обань, Оранж ва Ним шаҳарлари яқинида жойлашган бўлиб, бу уларни зарурат туғилган ҳолатларда ҳаво ёки денгиз транспорти ёрдамида Яқин Шарқ ва Африка ҳудудларига қисқа муддатларда етказиш имконини беради.

Хориж легионини бутлаш принципи узок йиллар давомида деярли ўзгаришсиз қолган. Унинг таркибига хориж мамлакатлари фуқаролигига эга бўлган турли миллат вакиллари ва турли динларга эътиқод қилувчи кўнгилли шахслар қабул қилинади. Бугунги кунда француз легиони асосан Буюк Британия, Италия, Португалия, Исроил

ва Шарқий Европа мамлакатлари фуқаролари ҳисобига бутланмоқда. Ҳозирда Франция ҳудудида жами 17 та ёллаш пункти фаолият олиб бо-

ради, улар асосан Тулуза, Ним, Лион каби й и р и к шаҳарларда жойлашган. Легионга 40 ёшгача бўлган, саломатлиги бўйича саф хизматига

яроқли эркаклар қабул қилинади. Балоғатга етмаган ёшлар фақат ота-оналар ёки васийларнинг махсус руҳсати билангина легионга номзод бўлишлари мумкин. Бунда француз тилини билиш мажбурий ҳисобланмайди. Одатда ҳар йили ёллаш пунктларига деярли 14 мингга яқин хорижлик мурожаат қилади, улар орасидан деярли ярми (6 мингга яқин киши) номзод сифатида танлаб олинади. Легион таркибига киритиш фақат кўп сонли психологик танловлар ва жисмоний ҳолат текширувларидан сўнг амалга оширилади, бунда энг яхши натижа кўрсатган ҳар ўнтадан битта номзод танлаб олинади. Тўлиқ тиббий назорат ва чуқурлаштирилган тестлардан ўтган номзод билан беш йилга мўлжалланган шартнома тузилади. Биринчи шартнома тузилиши олти ойга кўра синов муддати белгиланади. Легионерликка номзод хизматга кириш вақтида ўзига оид персонал (шахсий) маълумотларни кўрсатмаслиги мумкин, аммо Франциянинг тегишли хизматлари, одатда, ҳар бир шахсга оид маълумотларни, албатта аниқлаштиради. Жиноятчилар, гиёҳвандлар, қидирувда бўлган шахслар легионга қабул қилинмайди. Номзодлар Интерпол ва Европолнинг маълумотлар базаси, шунингдек, Франциянинг бошқа мамлакатлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорлик каналлари орқали жиддий текширувдан ўтказилади.

Хизмат даврида легион аъзолари нафақат турли операцияларда иштирок этади, балки ҳарбий мутахассисликлар (снайпер, ғаввос, парашютчи, портлатувчи ва

х.к.) билан бир қаторда фуқаро мутахассисликларини (алоқачи, ёруғлик техникаси мутахассиси, электротехник, қурилиш ускуналари мутахассиси,

спорт мураббийи ва х.к.) ҳам эгаллаши мумкин.

Ҳозирда Франция хориж легиони тасарруфида зенит-артиллерия қурилмалари, 120 ва 81 мм.ли миномётлар, турли тип ва русумдаги зирҳли жанговар машиналар, замонавий ўқотар қуроллар, муҳандислик ва бошқа махсус транспорт воситалари бор. Мазкур ўзига хос қўшилма шахсий таркиби учун махсус ҳарбий кийим-бош белгиланмаган. Хориж мамлакатлари ҳудудидаги жанговар ҳаракатларда иштирок этувчи француз ёлланма аскарлари одатда ўз ҳарбий кийимларига фарқловчи белгиларни тақмайдилар. Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтгача Франция хориж легиони таркибида ярим миллиондан ортиқ киши хизмат қилган, жанговар ҳаракатларда мазкур мамлакат манфаатлари учун 35 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган.

Ҳозирги даврда ҳам мазкур легионга ҳамон катта эътибор қаратилмоқда. Шахсий таркибга таълим бериш ва уларни ҳар томонлама тайёрлаш, янги жанговар қуроллар ва ҳарбий техникаларни ўзлаштириш, жанговар ҳаракатлар тактикасини такомиллаштириш ишлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Франция мудофаа вазирининг қарорига мувофиқ, эндиликда турли қўшинлар (кучлар), шу жумладан, хориж легиони таркибида хизмат қилиш учун аёллар ҳам (баъзи чекловлар билан) жалб этилиши мумкин.

(Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидан)

П. САЙДИВАЛИЕВ тайёрлади.

## ВАЗИЯТ КЕСКИНЛИГИ САБАБЛИ



Жорий йилнинг 17-20 август кунлари Сингапурда бўлиб ўтиши режалаштирилган анъанавий Жаҳон иқтисодий форуми (ЖИФ) коронавирус билан боғлиқ кескин вазият туфайли бекор қилинди. Маълум қилинишича, турли минтақаларда коронавирус билан боғлиқ вазият кескинлигича қолмоқда, эмлаш жараёни ҳам минтақаларда турли суръатда кечмоқда. Буларнинг барчаси бизнес етакчилари, ҳукумат раҳбарлари ва фуқаролик жамияти вакилларининг глобал миқёсдаги учрашувларини ўтказишга имкон бермайди.

## КОНТЕЙНЕРЛАР ОРАСИГА ЯШИРИЛГАН



Эквадорнинг Гуаякиль бандаргоҳида полициячилар томонидан бир неча кун давомида олиб борилган махсус амалиёт жараёнида Буюк Британияга юборилиши мўлжалланган контейнерлар орасига яшириб қўйилган тўрт тонна миқдоридagi наркотик моддалар топилган. «El Comercio» нашри маълумотига кўра, уларнинг умумий қиймати 200 миллион долларга тенг. Йил бошидан буён эса эквадорлик полициячилар томонидан жами 60 тонна миқдоридagi «оқ ажал» мусодара қилинган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

## ЕВРОКЕНГАШ ҚАРОРИГА ЖАВОБАН



Эрон Ташқи ишлар маҳкамаси Европа Кенгашининг мазкур мамлакатга нисбатан санкцияларни кенгайтириш ва уларнинг муддатини узайтириш борасидаги қароридан сўнг Европа Иттифоқи билан турли соҳалар бўйича ҳамкорликни тўхтатишга қарор қилди. «Еврокенгаш қарорига жавобан Эрон Европа Иттифоқи билан турли жаҳондаги, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича музокаралар, террорчиликка, ноқонуний муҳожирликка қарши курашда ҳамкорликни тўхтатилади», деди маҳкама вакили Саид Хатибзода.

«ЁШ ЧЕГАРАЧИЛАР – 2021»

# МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ёшларни Ватанга муҳаббат, ҳарбий бурчга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мардлик, жасурлик, шижоат, қатъият туйғуларини шакллантириш, шунингдек, ҳарбий хизматга тайёрлаб бориш мақсадида ДХХ Чегара қўшинлари, Халқ таълими вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда республика чегара олди ҳудудларида жойлашган умумтаълим мактабларида таҳсил олаётган чақирувга қадар тайёргарлик ёшидаги ўқувчилар ўртасида уч босқичли «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақаси ўтказиб келинмоқда.

Республика миз бўйлаб ўтказилган бу йилги «Ёш чегарачилар» ҳарбий-ватанпарварлик мусобақасининг туман ва шаҳар босқичларида 347 та жамоа таркибида чегара олди ҳудудларида жойлашган умумтаълим мактабларининг 3 470 нафар ўқувчи иштирок этди.

Вилоят босқичларида энг кучли 13 та жамоа саралаб олинди ва улар республика босқичига йўл олишди.

Мусобақанинг финал баҳслари Тошкент вилоятининг Тошкент туманида ташкиллаштирилди. Мусобақа иштирокчилари учун ҳал қилувчи ўйинлардан олдин маданий тадбирлар ташкиллаштирилди. Дастлаб улар Олмазор туманидаги «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуаси, Темирийлар тарихи давлат музейи ва Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлишди.



Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари муқаддас эканлиги, мазкур мусобақа ҳам ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук инсон бўлиб шаклланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Мусобақа жамоаларнинг саф майдонидан шахдам қадамлар билан ўтиш ва сафда кўшиқ айтиб юриш тайёргарлиги, ҳарбий варақалар, альбом, вимпел ва жамоанинг рамзий байроғи кўриги билан бошланди. Шундан сўнг иштирокчилар автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш, «Билимлар синови» шартлари асосида давом этди. Ўғил болалар 1 000 метр, қиз болалар 100 метр масофага югуриш шартларини бажаришди.

Мусобақаларнинг иккинчи кунда жамоалар азимут бўйича ҳаракатланиш шартида ўзаро баҳслашишди. Шундан сўнг граната улоқтириш шартига старт берилди ва иштирокчилар мерганлик маҳоратларини си-



новдан ўтказишди. Бундан ташқари қатнашчилар тўсиқлар йўлагидан ўтиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ўқ-дориларни ташиш, автомат ва пистолетдан ўқ отиш каби шартлар бўйича ўзаро баҳслашишди.

Қизғин руҳда кечган баҳсларнинг якуний натижаларига кўра, «Ёш чегарачилар – 2021» мусобақасида фахрли 1-ўрин Тошкент вилояти Қибрай туманининг «Қалқон» жамоасига насиб этди. Жиззах вилояти Мирзачўл туманининг «Ватанпарвар» жамоаси 2-ўринни, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманининг «Устюрт лочинлари» жамоаси эса 3-ўринни қўлга киритди.

Мусобақа ғолиблари, турли номинациялар бўйича совриндорлар кубок ва махсус медаллар, ўқув қуроллари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.



## Чегара қўшинлари матбуот хизмати

### УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ



Қирғизистон Президенти Садир Жапаров Ўш вилоятига сафари чоғида Мудофаа вазирлиги ва ДХХ чегара хизматининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчиларига тураржойлар калитларини топширди. Мамлакат раҳбари ўзининг табрик сўзида ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти масаласи давлатнинг энг муҳим ва устувор мажбуриятларидан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. Унинг сўзларига кўра, ҳарбийларга топширилган уйлар замонавий технологиялар асосида, қулай ҳаёт учун зарур талаб ва меъёрларни ҳисобга олган ҳолда барпо этилган.

### КУРАШ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ



Тожикистон Президенти ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш агентлиги раҳбари Ҳабибулло Воҳидзоданинг сўзларига кўра, 1 июндан бошлаб психотроп моддалар билан савдо қилувчи шахсларга қарши кураш жиддий кучайтирилади. Айниқса, чегара ҳудудларида наркотрафикка қарши курашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ерларга стационар ва мобил постлар ўрнатилади. Мазкур ишлар «Кўкнор-2021» операцияси доирасида амалга оширилади. Агентлик раҳбари ўтган йили 40 та наркогурӯх йўқ қилинганини ҳам айтиб ўтди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

### ФОТОҚОПҚОНГА ТУШДИ



Қорақалпоғистондаги «Сайгачий» буюртма кўриқхонаси ҳудудига ўрнатилган 20 дан ортиқ фотоқопқон нигоҳига тулки, бургут ҳамда ёввойи ғоз каби ҳайвон ва қушлар тушди. Улар орасида сайғоқ каби ноёб ҳайвон ҳам бор. Кўриқхона ахборот хизматининг хабар қилишича, Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби» ҳамда Халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотининг «Қизил рўйхати»га киритилган сайғоқлар тўдаси кейинги беш йилда Устюртда қузатилмаган эди.

МУДОФААГА КЎМАКЛАШУВЧИ «ВАТАНПАРВАР» ТАШКИЛОТЛАРИДА

**Бугунги кун талаблари асосида ҳайдовчилар тайёрлашга эътибор қаратаётган Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Самарқанд вилояти кенгаши тасарруфидаги «Чархин» ўқув-спорт техника клуби (ЎСТК) жамоаси томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 275 нафар «В», «ВС» тоифали ҳайдовчи тайёрлашга эришилди.**

Бу йўналишдаги фаолият кўлами янада ривожлантирилиб, бўлажак ҳайдовчиларнинг етарли даражада билим олишлари учун машғулотлар олиб борилмоқда. Машғулотлар жараёнида тингловчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига тўлиқ жавоб олишлари мумкин. Чунки бу ерда тажрибали ўқитувчи ва амалий бошқаришни ўргатувчи усталар дарслар самарадорлигини ошириш, тингловчиларга автомобилни моҳирона бошқариш сир-асрорларни кунт билан ўргатмоқда. Натижада машғулотлар қизиқарли ва мазмунли олиб борилишига эришилмоқда.

– Бундан ташқари, «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастурининг 170-бандида Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти зиммасига ёшларни меҳнат бозорига эҳтиёж юқори бўлган касбларга ўқитишни таъминлаш вазифаси юклатилган, – дейди «Чархин» ЎСТК бошлиғи Шаҳобиддин Умаров. – Мана шу топшириқлар ижросини таъминлаш борасида ҳам бир қанча ишлар олиб бормоқдамиз. Чунинчи, ЎСТКда айни пайтда «Ёшлар дафтари»га рўйхатга киритилган 175 нафар ёшни ўз ичига олган ўқувчилар гуруҳлари шакллантирилиб, дарс жараёнлари олиб борилмоқда. Бу борада

# ҚИЗИҚАРЛИ МАШҒУЛОТЛАР



Пастдарғом тумани ҳокимлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда қилинадиган ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Яъни шу кунларда бундай ўқувчилар ҳайдовчилиқ курсларида таълим олаётган бўлсалар, эндиликда уларнинг тенгдошлари авточилангарлик соҳаси бўйича ҳам ўқишлари мумкин. Бунинг учун ЎСТКда махсус синфхоналар ва амалий машғулотхоналар ташкил этилиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунга келиб, ушбу ташкилотда ҳам ҳайдовчиликка тайёрланаётган ёшлар орасида мунтазам равишда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи фаол олиб борилмоқда. Шунингдек, улар спортнинг бир қанча техник ва амалий турлари билан шуғулланиш имкониятига эга.

**Акбар АЛЛАМУРОВО**



## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сурхондарё вилояти кенгаши тасарруфидаги Узун тумани ўқув-спорт техника клубида ёшлар турли тўғаракларга жалб этилиб, уларнинг ҳар томонлама, яъни ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлишларига эътибор қаратилмоқда.**

Туман ўқув-спорт техника клубида (ЎСТК) ҳаво милтиғидан ўқ отиш, мотокросс, ёзги биатлон каби секциялар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Муҳими, бу тўғаракларда эллик нафарга яқин ёш мунтазам шуғулланмоқда.

– Ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, она Ватанга садоқатли ҳамда фидойи инсонлар бўлиб етишишлари учун янада кенг имкониятлар яратилмоқда, – дейди ЎСТК бошлиғи Абдуқодир Раҳимов. – Улар билан ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботи доирасида халқимизнинг буюк саркардалари, улуғ алломалар ҳаёти, шунингдек, Ватанимиз тарихидан ҳикоя қилувчи бадиий кеча, учрашув ва суҳбатлар ўтказилади.

Ташкилотда ҳайдовчилар тайёрлаш жараёни ҳам намунали ташкил этилган. Ўтиладиган ҳар бир фан, махсус назарий ҳамда амалий машғу-



лотлар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ташкилот ўқув курсларини «В», «ВС» тоифали 250 нафар тингловчи битказиб, ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди.

Айни пайтда ҳамма жойда бўлгани каби Узун туманида ҳам «Ёшлар дафтари» рўйхатига киритилган ёшларга бир қанча имконият ва қулайликлар яратилди. Шу кунларда ана шундай ёшларнинг 75 нафари ҳайдовчилик курсларида таҳсил олмоқда. Эндиликда бу каби ёшлар ҳайдовчилик касби билан бир қаторда ҳаётда керак бўладиган қўшимча касб-хунарларни эгаллаш имкониятига ҳам эга.

Бугунги кунда ЎСТК жамоаси ҳайдовчиларни тайёрлашда фақат йўл ҳаракати қоидалари ёки автомобиллар тузилишини ўрганиш билан чегараланиб қолмаяпти. Балки мураккаб йўл шароитла-



рида автомобиль бошқариш, турли тўсиқлардан, сув ҳавзаларидан ўтиш каби машғулотлар ҳам ўқув режасига киритилган.

Демак, бўлажак ҳайдовчилар амалий машғулотларнинг дастлабки кунлариданоқ транспорт воситасини бошқариш нақадар катта масъулият юклаганини қалбдан ҳис этмоқда.

**Акбар АЛИ**



# BOLA JO'N

## 1-IYUN – XALQARO BOLALARNI HIMOYA QILISH KUNI

*Olis go'zal orzulardan ertak aytdim,  
Tomirimda olov bo'lib oqdi qonim.  
Sen ertamsan, saharlarda ko'p so'ragan,  
Hur Vatanda kulib turgan bolajonim.  
Osmonimda yaralgan bir osmonimsan,  
Haqqa borib yetdimikin o'tli ohim.  
G'amgin-g'amgin dunyolarni haydaginda,  
Tunlarimni yorit endi erka shohim.*



## SENING BAYRAMING

*Sening bayramingga loyiq  
so'zlarni topayin qanday?  
Gullasin olcha gullaganday  
senda tiriklik, sog'lik.  
Kap-katta qiz bo'lding, orlik,  
eng sevinchli chog'ingdasan.  
Hech so'nmasdan porlasin  
ko'zlaringda baxtiyorlik.  
Kunlar quyoshli, tansiq,  
otang qirg'oqqa kelajak.  
Senga keltirib berajak  
tangalari oltin baliq.  
Men esa ozgina cho'g'lik  
she'rimni etaman armug'on.  
Naq gulsan bu uyda, bolajon,  
sendan taralar yorug'lik.*

Nozim HIKMAT

**RANGLAR  
JILOSI**

1-iyun – siz, bolajonlarning ajoyib bayrami. Barchangizni bayram bilan chin yurakdan tabriklaymiz. Sizlar O'zbekistonning chin ma'nodagi kelajagisiz. Jismonan barkamol va aqlan yetuk inson bo'lib voyaga yetishingiz uchun yurtimizda barcha imkoniyatlar mavjud. Bu kun tarixini bilasizmi? 1949-yilda Parijda ayollarning Xalqaro demokratik federatsiyasi kongressi bo'lib o'tdi. Bu kongressda bolalarning bardamligi va baxt-saodatining kafolati bo'lgan mustahkam tinchlikni ta'minlash uchun doimiy kurash haqidagi shior yangradi. Va 1950-yildan e'tiboran, 1-iyun – Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni sifatida nishonlana boshladi.

1989-yilda BMT Bosh Assambleyasi Bolalar huquqlari to'g'risida konvensiya qabul qildi. Unda butun dunyo mamlakatlari uchun bolalar huquqlarini himoya qilishni ta'minlashni joriy qilish to'g'risida yozilgan.

Bolalarni himoya qilish kuni faqat kichkintoylar o'ynab-kulib, xursandchilik qiladigan bayram emas. Butun dunyoda shu kuni jamiyatga bolalar muammolari eslatiladi, ularning himoyasi va barkamol avlod bo'lib yetishishi uchun kattalar zimmasiga yuklatilgan mas'uliyatlar ta'kidlanadi.

Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni butun dunyo bolalari uchun eng beg'ubor va quvonchli bayram hisoblanadi. Albatta, bola bu dunyo, bola bu hayot mazmunining ajralmas qismidir. Bolalar o'z tabassumlari orqali insonlar qalbida hayotga, yashashga bo'lgan qiziqishni uyg'otadilar. Ko'zlarida ezgulik va mehr qalqib turgan bolajon musaffo osmonda erkin parvoz etayotgan qaldirg'och misolidir. Shu kuni turli-tuman quvnoq va madaniy-ommaviy tadbirlar, sport musobaqalari, konsertlar o'tkazilishi bilan bir qatorda, bemor, davolanishga muhtoj va nogiron bolalar uchun xayriya aksiyalari va tadbirlar tashkil qilinadi.

Bolalarni himoya qilish kuni bayramining asosiy maqsadi keng jamoatchilik diqqatini ularning huquqlarini himoya qilishga, himoyalangan dunyoda yashash imkoniyatlariga, baxtli bolalikka ega bo'lishlariga hamda o'z mamlakatining to'la-to'kis va xotirjam fuqarosi bo'lib o'sishlariga qaratishdir.

## KUY SEHRI

(ertak)

Huri ismli qiz bor ekan. U gullarni parvarishlar ekan. Kuy chalishni ham juda yoqtirar ekan. Hovlidagi gullar ham Hurini ko'rganda boshlarini egib salom berarkanlar. Kuy chalsa, hamma gullar chaman-chaman ochilarkan.

Gul pushtaning o'rtasida bir dona lola o'sib chiqibdi. U g'unchalabdi. Huri uning ochilishini kutibdi. Lekin lola g'unchasi ochilmabdi. Bir kuni Huri g'unchani barmoqlari bilan ocha boshlagan ekan, shunda lola tilga kiribdi:

– Hurioy, kuylaring menga yoqqani uchun men ochilishga shoshilmadim. Yana bir-ikki kun kuylaringni tinglamoqchi edim.

Huri shoshib lolani silab-siypalabdi.

– Kechir meni, Lolaxon, seni zo'rlab ochmoqchi bo'ldim, – dedi-yu, chopganча uyga kirib kuy chala boshlabdi. Kech bo'libdi, qorong'i tushibdi. Huri lolaning ochilgan-ochilmaganini bilmabdi.

Tongda turib qarasa, lola qip-qizil bo'lib ochilibdi. Huri uni ko'rib sevinganidan:

– Salom, Lolaxon, mening do'stim, – debdi.

Lola esa boshini egib, Huri bilan salomlashibdi.

R. KARIMOV



## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ўртасида «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти «Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!» шиори остида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» номли танлов эълон қилади.

Уикки йўналишда ўтказилади.

1. «Ўзбекистон ёшлар нигоҳида» номли расмлар (фотосуратлар) танлови.

2. «Она Ватанимнинг буюк фарзандлари», «Ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман», «Ватанга хизмат қилиш – буюк мақсадим» мавзуларида мақолалар танлови.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад, ҳарбий хизматчилар ўртасида буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда кенг тарғиб қилиш, халқимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури, ҳаётга ва меҳнатга бўлган муносабатининг, жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлаш, шу жумладан, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг расмлар ва мақолаларда акс эттирилишга бўлган интилишларини рағбатлантиришдан иборат.

Унда иштирок этиш истиагида бўлсангиз, ўз ижодий ишларингизни 2021 йилнинг 16 апрелидан 10 августига қадар «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририяти – Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 1-уй ёки [vatanparvar09@mail.ru](mailto:vatanparvar09@mail.ru) электрон почта манзилига, шунингдек, телеграм ижтимоий тармоғи орқали 90-968-62-08 рақамига юборишингиз мумкин.

# «ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА МЕНИНГ ҲИССАМ»



Танлов учун тақдим этилган ижодий ишлар (*word шаклидаги мақолалар; 10 тагача бўлган расмлар*) электрон шаклда қабул қилинади ва энг саралари (*расм ва мақолалар*) газета саҳифаларида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» рукни остида эълон қилиб борилади.

Қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

муаллифнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;  
муаллифнинг манзили ва телефон рақами;  
муаллифнинг хизмат жойи.

Тақдим этилган ижодий ишлар таҳририят ижодий ходимларидан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ҳамда ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Ғолиблар ҳар икки йўналиш (*расм ва мақолалар*) бўйича қуйи-

даги алоҳида мукофотлар билан тақдирланади:

1-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 (*саккиз*) баробари, китоб ва диплом;

2-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 6 (*олти*) баробари, китоб ва диплом;

3-ўрин – базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 (*тўрт*) баробари, китоб ва диплом.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар 2021 йилнинг 24 августига – Мустақиллик куни арафасида Қуролли Кучлар давлат музейида тантанали равишда топширилади.

Омад сизга ёр бўлсин!

**«Ватанпарвар»  
Бирлашган таҳририяти**

## БИР ЧИМДИМ

Юпқа йиғин тор-мор қилишга осон эмиш, ингичка йиғин узишга осон эмиш. Юпқа қалин бўлса, тор-мор қиладиган баҳодир эмиш. Ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш.

Тўнюқуқ тошбитигидан

## БИЛАСИЗМИ?

**УСТРУШАНА** – Ўзбекистоннинг Жиззах, Сирдарё вилоятлари, Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг баъзи қисмлари, Тожикистоннинг Сўғд вилояти, Қирғизистоннинг Лайлак тумани ҳудудларини эгаллаган қадимий давлат номи. Уструшана тўғрисида Хитой йилномаларида, Иброҳим ал-Истахрийнинг «Масолик ал-мамолик» асарида ва бошқа манбаларда маълумотлар бор. Бошкенти Бунжикат айрим манбаларда 10 минг, баъзиларида 20 минг эркак аҳолига эга бўлган шаҳар сифатида таърифланади. Александр Македонский Уструшанада энг қаттиқ қаршиликка учрайди, у қалъалардан бирининг қамали пайтида жиддий ярланади.



**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:**

Халқаро армия ўйинларига тайёргарлик қандай кетяпти?

## VATANPARVAR

## Муассис:



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МУДОФАА  
ВАЗИРЛИГИ

[www.mudofaa.uz](http://www.mudofaa.uz)

## Бош муҳаррир:

майор  
Аҳрор Очиллов

## Навбатчи:

майор  
Гулнора Ҳожимуродова

## Саҳифаловчилар:

Нодирабегим Валиева  
Дилноза Мелиқўзиева

## Мусахҳихлар:

Сайёра Мелиқўзиева  
Мастура Қурбонова

## Телефонлар:

котибият: (71) 260-36-50  
бухгалтерия: (71) 260-35-20  
юримдик бўлим: (71) 269-88-91  
факс: (71) 260-32-29

**ISSN 2010-5541**

Таҳририятга келган қўлёмлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти – «Ватанпарвар» Бирлашган таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2008 йил 6 июнда 0535 рақами билан рўйхатга олинган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Буюртма: г-206.  
Ҳажми: 6 босма табоқ.  
Бичими: А3.  
Адади: 32 673 нусха.  
Босишга топшириш вақти: 14:00.  
Топширилди: 14:30.

Газета жума куни чиқади. Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Нашр кўрсаткичи: 114.  
Баҳоси: келишилган нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:  
100164, Тошкент,  
Университет кўчаси, 1-уй.